

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик — аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғиндир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan 2010-yil 18-dekabr, shanba № 100 (8333) ISSN 2010-6416

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йил 17 декабрь куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Самарқанд замини хусусида сўз юритганда, биз унинг қадимийлиги, дунёдаги энг кўҳна ўлкалар қаторида туриши, шу билан бирга, гўзал ва бетакрор табиати, умумбашарий цивилизация ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида, улуг мутафаккир зотлар, олиму фузалолар ва жасур саркардалар ҳақида гапиришимиз одат тусига кириб қолган, деди Юртбошимиз. Лекин бугун Самарқанд воҳасининг ана шундай буюк тарихини яна бир марта эътироф этган ҳолда, вилоятнинг ер ости ва ер усти бойликлари, унинг улкан салоҳияти, бундай ноёб имкониятларни ишга солиш ва уларни эл-юртимиз манфаати йўлида оқилона ишлатиш хусусида фикр юритишимиз айна муддао бўлади. Бунда, авваламбор, бу соҳада қилаётган ишларимизга танқидий кўз билан қараш ва ҳолисона баҳо бериш

асосий вазифамиз бўлиши керак. Ўз фаолиятимизга чуқур ва атрофлича баҳо бермасдан, бой берилган имкониятларни тўғри таҳлил қилмасдан ва тегишли хулосаларни чиқармасдан туриб, ҳаммамиз яхши тушунамизки, бошлаган ишларимизни давом эттириш, энг муҳими, ҳар қайсимиз ўз жойимизда халқимизнинг бизга билдирган ишончини оқлашимиз қийин бўлади.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, бир ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимиз лозим: Самарқанд вилояти, шу юртда яшаётган меҳнаткаш халқ ҳеч қачон оқсоқлар қаторида бўлмаган, доимо илғорлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб келган, лўнда қилиб айтганда, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайди, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд воҳаси-

да ҳам кейинги йилларда вилоят аҳлининг фидокорона меҳнати билан кўпгина ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётгани ҳақида тўхталиб, қуйидаги мисолларга алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 112 фоизга ўсган, саноатда 116 фоиз, қишлоқ хўжалигида 108,5 фоиз, қурилиш соҳасида 140 фоиз ўсишга эришилган. Вилоят меҳнаткашлари пахта ва ғалла, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам шартнома режаларини муваффақиятли адо этиб, Самарқанд деҳқонларининг миришқорлик фазилатларини амалда намоён этиб келмоқда.

Капитал қурилиш соҳасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Айниқса, Самарқанд шаҳрини 2009—2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисидаги ҳукумат қарори асосида бу азим шаҳарда улкан бунёдкорлик

ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг 5—10 йил бурунги қиёфаси, тангу тор кўчалари, режасиз, пала-партиш қурилган кўримсиз биноларини Самарқанднинг бугунги манзараси билан солиштирадиган, қиёслайдиган бўлсак, ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш қийин эмас. Хусусан, Самарқанд аэропортини реконструкция қилиш учун катта сармоя жалб қилиниб, бу ерда бажарилган қурилиш ва ободончилик ишлари натижасида аэровокзал комплекси энг замонавий талабларга жавоб берадиган гўзал қиёфага эга бўлди. Худди шундай ўзгаришлар Самарқанддаги темир йўл вокзали ва унинг ён-атрофида ҳам амалга оширилди.

Айни вақтда 14 миллиард 700 миллион сўм маблағ ҳисобидан шаҳар кўчаларининг катта қисми кенгайтирилиб, капитал таъмирланди. Жами 450та объектда, жумладан, 42та кўп қаватли уй, 165та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 60та ижти-


моий соҳа объекти, бир қатор маъмурий ва хусусий турар-жой биноларида кенг кўламли қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу мақсадлар учун корхона ва ташкилотлар маблағлари, банкларнинг кредити ҳисобидан қарийб 152 миллиард сўм сарфланди.

Дунёга машҳур, кўпчилик бир кўришни орзу қиладиган, Самарқанд аҳлининг энг севимли маскани бўлмиш Регистон майдони, Бибиҳоним, Шоҳи Зинда, Ҳазрати Хизр зиёратгоҳлари охириги йилларда ҳар томонлама обод қилиниб, бутун жаҳондан келадиган эгмон ва сайёҳларнинг ҳавасини тортмоқда. Имом Бухорий мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, бундай муқаддас қадамжоларнинг янада обод бўлиб бораётгани кўпгина мусулмон мамлакатлари давлат арбоблари ва жамоатчилиги, минглаб зиёратчиларнинг юксак эътибори ва ҳурматига сазовор бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда.)


МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБИМ ҚУЁШИ

«Milliy g'oya» turkumiga kiruvchi fanlar oyligi



Республикаимизнинг барча умумтаълим мактабларида декабрь — “Миллий гоа” туркумига кирувчи фанлар ойлиги кўтаринки кайфиятда ўтказилмоқда. Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактабда фан ойлиги муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар билан бирга намунавий очиқ дарслар фестивалига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, тажрибали муаллима Зулфия Воҳидова “Маънавият — қалбим қуёши” мавзусидаги очиқ дарсини “Юксак маънавият — энгилмас куч” асаридан фойдаланган ҳолда самарали ташкил қилди.

(Давоми 4-бетда.)



ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

**ФАРЗАНДИГИЗ
МАКТАБГА ҚАДАМ
КЎЙДИ**
демак,
зиммангиздаги
масъулият ҳам ошди

5-бет

**НАНОТЕХНОЛОГИЯ
БЎЙИЧА ЯНГИ
КАШФИЁТЛАР**

юртимиз ёш олимлари
тадқиқотлари натижасида
яратилажак!

7-бет

**КОМИЛЛИКНИНГ
ТЕРАН
ИЛДИЗЛАРИ**

8-бет

**«ЁМФИР
ТОМЧИЛАРИ»
МАМЛАКАТИ
ТАЪЛИМИ**

12-бет

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу кунларда 6 миллиард 500 миллион сўм маблағ сарфланиб, Сиёб деҳқон бозорини реконструкция қилиш ва унинг ҳудудини ободонлаштириш ишлари якунига етказилмоқда. Шулар қаторида, салкам 4 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳудудида янги музей биноси, кенг майдон ва сўлим хиёбон барпо этилди, буюк бобомизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилиб, бугунги кунда бу маскан Самарқанд тарихининг яна бир ёрқин кўзгусига айланди.

Самарқанд шаҳри билан бир қаторда Пастдарғом, Жомбой ва Ургут туманларида, узок-яқин қишлоқларда ҳам ана шундай кўплаб бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд воҳасида кейинги йилларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан қарийб 200 миллиард сўм капитал маблағ йўналтирилди. Буларнинг барчаси Самарқанд шаҳри, вилоятдаги туман ва қишлоқларимизнинг янада кўркам ва обод бўлишида, шу юртда яшаётган инсонларнинг эҳтиёжини таъминлашда салмоқли қадам бўлиб, айна вақтда хорижий сайёҳ ва меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.

Сессияда бундай кенг кўламли ишларга ҳолисона баҳо берилган ҳолда, Самарқанд вилоятининг катта салоҳиятини, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини инобат олиб, бу талабларни қондириш, вилоятда мавжуд бўлган ресурс ва имкониятларни оқилона ишлатиш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўплиги алоҳида таъкидланди.

Маълумки, ҳозирги кунда иқтисодий тараққиётини инвестициялар, авваламбор, хорижий инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу борада Самарқанд вилоятдаги мавжуд аҳволга назар ташланадиган бўлса, вилоят иқтисодий ҳолатига хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига етарли даражада эътибор берилмапти. Ўтган йили тўғридан-тўғри жалб этилган инвестициялар миқдори 10 миллион долларни ташкил этгани ҳолда, бу йил ушбу кўрсаткич 6 миллион долларга тушиб қолганини афсус билан қайд этиш лозим.

Хорижий инвестициялар иштирокида барпо этилган қўшма корхоналарнинг 14 таси мутлақо ишламапти, 6 таси жорий йилда ўз фаолиятини тугатган ва яна 4 таси тўхташ арафасида турибди.

Самарқанд воҳасида мамлакатимиз иқтисодий учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масала — яъни, вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини ошириш, шу орқали валюта тушумини кўпайтириш ва корхоналарни модернизация қилиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Биргина жорий йилнинг 9 ойи мобайнида маҳсулот экспорти 56 миллион долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу

даврга нисбатан 50 миллион долларлик маҳсулот кам экспорт қилинган ҳам буни исботлайди.

Юртбошимиз саноат соҳасидаги муаммолар ҳақида гапирар экан, номи бир пайтлар бутун минтақага машҳур бўлган «Самарқанд лифтсозлик заводи», «8-Март», «Нафис» чинни фабрикаси каби корхоналар деярли фаолият кўрсатмаётгани, «Сино», «Алпомиш», «Кинап» каби йирик заводлар эса 35—40 фоиз қувват билан ишлаётгани вилоят раҳбариятини ташвишга солмаётганини афсус билан қайд этди.

Вилоят бўйича рўйхатга олинган қарийб 15 минг кичик бизнес субъектининг 4 мингга яқини умуман фаолият кўрсатмапти. Бундай корхоналарнинг аксарияти Самарқанд шаҳри, Нуробод, Пахтачи туманларига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда, жумладан, Самарқанд вилоятида қишлоқларимизни ҳар томонлама тараққий топтириш мақсадида катта ишлар амалга оширилаётгани, айна пайтда бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида атрафлича тўхталиб ўтди.

Самарқанд вилоятида намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жойлар барпо этиш учун жорий йилнинг ўзида 21 та қишлоқ массивида қарийб 44 миллиард сўмлик капитал маблағ ҳисобидан 650та уй-жой қуриш ва уларни шу йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топшириш белгиланган эди. Лекин, афсус билан айтиш керакки, бундай янги, одамларнинг интилишини тортаётган, қишлоқларимизни обод қилиш, қишлоқ ҳаётини шаҳар даражасига кўтаришда истиқболли катта бўлган муҳим масалага етарлича эътибор берилмапти. Бунинг натижасида ана шу уйлари қуришда сусткашликка ва уларни топшириш муддатларини асоссиз равишда чўзиб юборишга йўл қўйилмоқда.

Ҳаммамизга яхши маълум бўлиши керакки, жойлардаги барча янги қурилишлар ёки ободончилик ишлари бўладими, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида бериш бўладими, муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш бўладими — буларнинг ҳал қилувчи энг муҳим манбаи вилоят, шаҳар ва туманларнинг молиявий аҳолига бевосита боғлиқдир, деди Юртбошимиз.

Шу борада Самарқанд вилоятидаги ишлар таҳлил қилинди. Аввало, 2009 йилда дотацияга тушиб қолган 8 та туманнинг ханузгача дотацияда қолиб келаётгани қайд этилди. Айниқса, Қўшрабат, Булунғур, Пайариқ, Иштихон, Пастдарғом ва Каттақўрғон туманларида дотация улуши юқориликча қолаётганига эътибор қаратилди.

2010 йилнинг 1 октябрига қадар вилоят бўйича дебиторлик қарзлар қарийб 830 миллиард сўмни, кредиторлик қарзлар эса деярли 950 миллиард сўмни ташкил этган. Хусусан, Самарқанд шаҳрида, Булунғур, Нуробод, Пайариқ, Ургут ва Қўшрабат туманлари

да дебиторлик ва кредиторлик қарзлар йил бошига нисбатан камайиш ўрнига ўсиб бормоқда.

Аҳвол шундай бўлишига қарамасдан, бу муаммонинг ечими бўйича на вилоят, на ушбу ҳудудлар раҳбарлари томонидан аниқ амалий чоратadbирлар режаси ишлаб чиқилмаган.

Вилоятда саноат корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасида ҳам етарлича чора-таadbирлар кўрилмапти. Бунинг натижасида шу йилнинг 1 октябригача 7 та корхона ўз фаолиятини зарар билан якунлаб, кўрилган зарар миқдори 3 миллиард 460 миллион сўмдан ошиб кетган.

Президентимиз ҳар томонлама ўринли таъкидлаб ўтганидек, бундай корхоналарда ишлаётган одамларнинг ҳаёти, тақдири нима бўлади, улар оиласини қандай боқади, ишсизликнинг кўпайиши эртага қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида вилоятда ўзини раҳбар деган, етакчи деган шахслар умуман ўйлаётгани йўқми, деган савол, афсуски, жавобсиз қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини, авваламбор, ҳаётга кириб келаётган ёшларимизни иш билан таъминлаш масаласи қандай ўткир ва долзарб бўлиб тургани, бу муаммони ечиш бўйича кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар, ушбу масала давлатимиз, жамиятимиз, барча-барча идоралар, фаолларнинг эътибор марказида тургани ҳақида ҳам фикр юритилди.

Давлатимиз раҳбари юртимиз бўйича 2010 йилнинг ўзида 940 мингдан кўпроқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг ярмидан кўпи қишлоқ жойларда очилганини қайд этди ва қуйидагиларни таъкидлади.

Маълумки, Конституциямиз байрамига бағишланган мажлисдаги Президент маърузасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бу йўналишдаги муаммоларни ечишда, биринчи навбатда, раҳбарлар — бу вазирилик ва марказий идоралар раҳбарлари бўладими, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари бўладими — уларнинг зиммасига қандай катта масъулият юклатилгани ҳақида атрафлича сўз юритилди.

Самарқанд вилояти кенгашининг сессиясида ҳам бандлик масаласининг нақадар муҳим ва ҳал қилувчи, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий нуқтаи назардан қай даражада долзарблиги яна бир бор ўртага қўйилди.

Албатта, бундай муаммоларни ечишда Самарқанд вилоятида, шаҳар ва туманларда анча ишлар қилинапти. Лекин бу масала бўйича Олий Мажлис томонидан тасдиқланган дастурнинг Самарқанд вилоятида 97 фоизга бажарилганини нима билан изоҳлаб бўлади?

Сессияда таъкидланганидек, ушбу масалага жавобгар бўлган раҳбар ва ходимларнинг — бу вилоят даражасида, шаҳар ёки туман даражасида бўладими — биринчи навбатда уларнинг масъулиятини алоҳида кўриб чиқиш зарур.

Қайси туман, қайси шаҳар, қайси раҳбар бу масалага соувқонлик билан қараётгани бўйича тегишли хулосалар чиқариш даркор. Ахир, ҳар қайси ишсиз юрган одам учун, энг муҳими, энди ҳаётга кириб бораётган ёшларимиз учун бу масала ўзининг касбу ҳунарига қараб муносиб иш топиш, муносиб ҳақ олиш, ўз ҳаётини, оиласини тебратиши учун, эртанги кунини кўриши учун нақадар муҳим, нақадар ўткир савдо эканини авваламбор биз, халқ ишончига сазовор бўлган раҳбарлар тушунишимиз, англашимиз, юракдан ўтказишимиз зарур эмасми, деди Президент.

Шуни очиқ айтиш мумкин: бугунги кунда ҳар қайси шаҳар ва туман раҳбаридан улар бошқараётган ҳудудда қанча одам ишсиз юргани ва иш қидираётгани, ким доимий иш билан, ким вақтинчалик иш билан бандлиги ҳақида, ишсизликнинг даражаси ва улуши ҳақида сўрасангиз, аниқ-равшан жавоб ололмайсиз. Ваҳоланки, бугунги кунда, жойлардаги мавжуд вазиятга салбий таъсир ўтказадиган сабаблар ҳақида гапирганда, айнан шу масала энг ўткир бўлиб турганини англаш, масъулиятни сезиш вақти келмадими?

Бу масалага бўлган муносабатни мутлақо ўзгартириш зарурлигини бугун замоннинг ўзи талаб қилаётгани қайд этилди.

Вилоятнинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларида водопровод ва канализация тармоқларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш масаласи мутлақо эътибордан четда қолаётгани, бу соҳада охириги йилларда етарли даражада маблағ ажратилмагани сабабли 70 километрдан ортқ қувурларни алмаштириш талаб этилаётгани ҳеч кимни, авваламбор, тегишли раҳбар ва мутасаддиларни ташвишга солмасдан келмоқда. Айнан шу туфайли ҳозирги кунда ақсарият кўп қаватли уйларга ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти етиб бормаяпти.

Бугунги кунда ақлга сиғмайдиган баъзи ҳолатлар ҳақида фақат афсусланиб гапириш, хусусан, водопровод тармоқларининг ишдан чиқиши оқибатида одамларнинг қудуқ сувидан фойдаланишга мажбур бўлаётганини Булунғур ва бошқа туманларда кузатиш мумкин.

Табиий газ билан таъминлаш ҳақида гапирганда, бу масалада ҳам шу каби ноҳус мисоллар кам эмаслигини айтиш лозим. Жумладан, Самарқанд, Ургут, Тайлоқ, Пайариқ, Каттақўрғон туманларида бу нуқсонлар кўзга ташланмоқда. Айни қиш пайтида бундай ҳолат одамларнинг ҳақли эътирозини уйғотмоқда.

Бу каби камчиликлар, айниқса, электр энергияси таъминотидаги узиллишлар айрим қишлоқ врачлик пунктларида учрашини ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳол деб баҳолаш керак. Сессияда вилоятда ҳуқуқ-тартибот соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилиб, жиноятчилик ва қонун бузилишларига қарши кураш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўплиги таъкидланди.

Сўнгги икки йил давомида

огир ва ўта огир жиноятлар содир этиш, босқинчилик, талончилик, қасддан одам ўлдириш каби жиноятлар кўрсаткичи юқори даражада бўлиб қолаётгани кузатилмоқда. 2009 йилда очилмаган жиноятлар сони 443 та бўлган бўлса, жорий йилнинг ўн ойи давомида бу кўрсаткич 311 тани ташкил этган.

Бу борада кўзга ташланаётган ноҳус бир ҳолат одамда ташвиш уйғотмасдан қомайди. Яъни, вилоятда 2008—2010 йиллар давомида 1391 нафар мансабдор шахс порахўрлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва ўзганининг мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 6 нафарини ҳоким ва ҳоким ўринбосарлари, 83 нафарини ички ишлар ходимлари ва бошқа бўғиндаги мансабдорлар ташкил этади. Масалан, вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Г.Шодиева, Самарқанд шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хусанов, Иштихон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ҳамроев, Каттақўрғон тумани ҳокимининг ўринбосари Э.Дониёров турли жиноятлар билан айбланиб, жавобгарликка тортилган.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида кўзга ташланаётган, чидаб бўлмайдиган энг ноҳус ҳолатлар — бу кўзбўямачилик, салбий кўрсаткичларни сунъий равишда пасайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг шахсий таркиби томонидан хизмат вази-фасини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ. Хусусан, пора олиш ва таъмагирлик туфайли жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида 21 нафар ички ишлар ходими, 6 нафар прокуратура ва суд ходими борлиги вилоятда бу борада тартиб-интизом, талабчанлик ва назоратнинг бўшаштириб юборилганидан дарак беради.

Юқорида зикр этилган камчилик ва муаммоларнинг барчаси охир-оқибатда бир масалага, яъни Самарқанд вилоятининг бошқаруви, авваламбор биринчи раҳбар фаолиятига, унинг иш услубидаги камчиликларга бориб боғланади, албатта.

Маълумки, бундан икки ярим йил олдин Уктам Барноевга катта ишонч билдирилиб, у Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тасдиқланган эди. Ўз фаолиятининг дастлабки даврида вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласида Ў.Барноев томонидан бирмунча ҳаракатлар бўлди. Лекин кейинчалик унинг фаолиятида ишга масъулиятсизлик билан ёндашиш, вилоятдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда бе-парволик ва сусткашлик, эришилган натижалардан қониқиб ҳолатлари кўзга ташлана бошлади.

Ишга бундай лоқайд муносабат қандай салбий оқибатларга олиб келганини юқорида зикр этилган мисоллар яққол тасдиқлайди. Бу мисолларни давом эттириб, кадрлар масаласида, яъни вилоят, шаҳар ва туман даражасидаги кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, авваламбор,

СЕССИЯСИ

уларнинг қобилияти, билим ва тажрибаси, ишни билиши, салоҳияти ва истиқболлини ҳар томонлама ўрганиб, бамааслаҳат қарор қабул қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани ҳақида кўп фактларни келтириш мумкин. Масалан, ўз вазифасига нолайик, ишни унда олмаётган, халқ ишончини йўқотган айрим вилоят ташкилотлари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари фаолиятига баҳо беришда Ў.Барноев қатъиятсизлик ва сусткашликка йўл қўйиб, уларнинг камчиликларидан кўз юмиб келган. Бундай нолайик кадрлар асосан Президент девони ташаббуси билан алмаштирилган.

Вилоятда замонавий билим ва профессионал малакага, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини битирган ёш кадрларга ишонч билдириш, уларнинг йўлини очиб бериш ўрнига масъул лавозимларга бугунги кун талабларига жавоб беришмайдиган номзодларни тавсия этишдек номақбул тажриба қўлланиб келган.

Мажлисда таъкидланганидек, вилоят ҳокимининг иш фаолиятида кузатилган яна бир жиддий камчилик шуки, Самарқанд заминдаги нуфузли олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот марказлари, маданият муассасаларида меҳнат қилаётган, ўз ҳаётини илм-маърифатга бағишлаган заҳматкаш олимлар, санъат ва маданият намояндалари, шу юртнинг ҳақиқий фидойилари бўлган инсонларга, уларнинг дарду муаммоларига эътибор бериб, илмий-ижодий излашлари, бой салоҳиятини вилоятни рағбатлантириш йўлида бирлаштириш, сафарбар этишга унинг қурбни етмади. Ҳолбуки, ўзига нисбатан катта ишонч билдирилган ҳар қайси раҳбар, шу жумладан, Самарқанд вилоятини бошқаришда ўта масъулиятли вазифага тайинланган шахс, авваламбор, бу ишга киришишни кўп миллатли, кўпни кўрган, қанчадан-қанча синовлардан ўтган халқнинг ўзига хос ва ўзига мос табиати ва менталитети, дунёқараши, бу вилоятнинг сир-асрори, тарихи билан, ўз фаолияти, ҳалол меҳнати ва хизмати тўғрисида катта обрў қозонган, етакчи, кайвони бўлиб танилган одамлар билан яқиндан танишиш, уларнинг фикр-мулоҳазалари, маслаҳат ва тавсияларига қулоқ солиш ва тегишли хулосалар чиқаришдан бошлаши лозим.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг 2008 йил апрель ойидаги Ў.Барноев вилоят ҳокими этиб сайланган сессияда унга айнан шундай маслаҳатлар берилган эди. Бу шахснинг ўз фаолиятида энг бошдан хатога йўл қўйганини айтиш тавсияларга жиддий қарамагани, уларни эътиборга олмаганида кўриш мумкин. Яъни, Барноев ўзига ортқича бино қўйиб, атрофидаги муовинлари ва фаолларнинг фикрини мөнсимасдан, манманликка, ўзбошимчликка берилиб кетгани охир-оқибатда унинг обрўсига путур етишига олиб келди.

Барноевда бугунги раҳбардан замоннинг ўзи талаб қилаётган муҳим хусусиятлар, авваламбор, кенг миқёсда фикрлаш, ён-атрофидаги фаолларга суяниб-таяниб, уларнинг бошини қовуштириб ишлаш, багрикенглик аломатлари ва ҳаётий тажриба етишмаслиги намён бўлди. Буларнинг барчаси вилоятда бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирига елкадош бўлиб ишни бошқариш ўрнига кўпгина хато, нуқсон ва камчиликларга йўл қўйишга сабаб бўлди.

Вилоят олдида турган ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни, авваламбор, шаҳар ва туманларнинг иқтисодий, социал соҳани ривожлантириш, аҳолининг оғирини енгил қилишда бундай яроқсиз иш услуби ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Юртбошимиз шу муносабат билан барча раҳбарларга дахлдор бўлган ҳақиқатни яна бир бор эслатиб ўтди: сен бошқарган, сенга ишонч билдирган аҳоли, эл-юрт, жамоатчилик ҳамма нарсани кузати, ҳамма нарсани хабардор, ҳамма нарсани англайди ва вақти келганда тегишли хулоса чиқаради.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ў.Барноев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Зойир Мирзаев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Бу дунёда ҳар қайси инсон бахтли бўлишни, муносиб ҳаёт кечиришни истайди. Халқимизнинг шу борадаги эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, эл-юртимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасини таъминлаш йўлида ўзимизни аямасдан меҳнат қилиш биз — раҳбар ва фаолларнинг нафақат вазифамиз, айтиш вақтда муқаддас бурчимиздир, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд вилояти бўлими раиси ўринбосари Бахтиёр Хўжаёров, «Маҳалла» жамғармаси Кўшработ тумани бўлими раиси Нормўмин Усмонов, «Эл-ҳолдинг» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви раиси Рустам Сатторов, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси раиси Хадича Жаъфарова, Пастдарғом тумани ҳокими Абдумўмин Жўраев, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори Собир Бобоев, Самарқанд туманидаги «Сам-РосХолод» қўшма корхонаси раҳбари ўринбосари Шавкат Йўлдошев ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган танқидий фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, кўрсатиб ўтилган камчилик-нуқсонларни бартараф этиш, вилоят олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш, ислохотларимиз самарасини ошириш учун бутун Самарқанд аҳли белни қаттиқ боғлаб, астойдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидладилар. (ЎЗА)

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2010 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

16 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан парламентга берилган ваколатларга мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни эшитди. Ушбу масала юзасидан молия вазири ўринбосари М.Мирзаев маъруза билан сўзга чиқди, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси Б.Иминов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижросини назорат қилиш парламентнинг энг муҳим вазифаларидан биридир, шу сабабли Олий Мажлис қўйи палатасининг депутатлари бу масалага ҳар доим алоҳида эътибор қаратадилар.

Ҳисобот дастлабки тартибда иқтисослашган қўмитанинг, сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлисларида Молия вазири, мамлакатимиз бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари вакиллари иштирокида кўриб чиқилди. Ҳужжатни дастлабки муҳокама қилиш жараёнида долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданиятни, жамиятимизнинг бошқа соҳаларини ўз вақтида молиялаштириш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимиз Давлат бюджетининг жорий йил тўққиз ойидаги ижроси якунларини Қонунчилик палатаси мажлислар залида муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар таъкидладиларки, Давлат бюджетининг ҳисобот даврида Олий Мажлисининг иккала палатаси илгари тасдиқлаган кўрсаткичларга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 29 январдаги мажлисида илгари сурилган мамлакатимизни 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури устуворликларига мувофиқ профицит билан ижро этилди.

Фаол инвестиция сиёсатининг давом эттирилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг кўпайишини таъминлади. Мамлакатимиз экспорт қилувчиларини қўллаб-қувватлаш, экспортни диверсификация қилиш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштириш юзасидан кўрилган самарали чоратadbirlar маҳсулот экспорти ҳажмини 10,9 фоиз ошириш ҳамда ташқи савдо айланмасининг ижобий салёвдога бўлишини таъминлаш имконини берди. Жорий йилнинг тўққиз ойида 990та лойиҳа бўйича 4,2 триллион сўмлик ёки 2009 йил-

нинг шу даврига нисбатан 1,4 барабар кўп маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотнинг мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши ўтган йилнинг шу давридаги 14,9 фоиз ўрнига 17,6 фоизни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўрилган чора-таadbirlar рўйхатга олинган кичик корхоналар сонининг жорий йил бошига нисбатан ўсишига ёрдам берди. Солиқ юкнининг камайрилиши, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган банк кредитлари ҳажмининг кўпайтирилиши ҳам кичик бизнеснинг тобора ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Халқ демократик

ҳида эътибор қаратилди. Таълим муассасалари ва болалар спорти объектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари таъкидладиларки, ҳисобот даврида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан танланган давлатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш стратегияси тўғрисида мамлакатимизда ҳаётини молиявий-иқтисодий инқирози таҳдидлари ва хатарларига муваффақиятли қарши туришга, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг барқарор суръатларини, халқимизнинг турмуш даражасини оширишга эришилди. Вазирлар Маҳкамаси 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар

партияси фракцияси аъзолари мамлакатимиз Давлат бюджетининг 2010 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий йўналиш ҳисобга олинган ҳолда ижро этилганлигига — соғлиқни сақлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бюджетдан амалга ошириладиган биринчи навбатдаги тўловлар учун харажатлар ўз вақтида ва тўла ҳажмида молиялаштирилганлигига эътибор қаратдилар. Депутатлар таъкидладиларки, мамлакатимизда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган Янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш дастури илдамлик билан бажарилаётганда.

Ҳисобот даврида мамлакатимизда 784,9 мингта янги иш ўрни яратилган бўлиб, улардан 502,4 мингдан ортиси қишлоқ жойларга тўғри келди. Уларнинг талай қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил этилди. Оналар ва болалар соғлигини сақлашни янада яхшилаш, профилактика тарихидаги соғлиқни сақлашни устувор ривожлантиришга қаратилган чоратadbirlarнинг амалга ошириш давом эттирилмоқда. Давлат бюджетининг соғлиқни сақлашга йўналтирилган харажатлари жорий йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29,1 фоиз кўп бўлди. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш таadbirlarига қилинган харажатлар улуши ўтган йилнинг шу давридаги 54,6 фоиз ўрнига 59,2 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон «Миллий тиклаш» демократик партияси фракцияси аъзолари «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида назарда тутилган таadbirlarнинг, халқимизнинг кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларини тиклаш ва сақлашда, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда мустақиллик ва демократия гояларига содиқлик руҳида тарбиялашда катта ўрин тутадиган маданият уйлари ва саройлари, музейлар, кутубхоналар ва бошқа маънавий-маърифий соҳа муассасаларини ўз вақтида молиялаштириш муҳимлигини таъкидладилар. Таълим, фан ва кадрлар тайёрлаш муассасаларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришга ало-

дастурини сўзсиз амалга ошириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, аҳолига иш хақи, стипендиялар, нафақаларни тўлаш харажатларини тўла ва ўз вақтида молиялаштириш юзасидан бундан буён ҳам зарур чораларни кўриши керак бўлади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари жорий йилнинг тўққиз ойида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга Давлат бюджетининг харажатлари 24 миллиард сўмни ташкил этганлигини, бундан биологик хилмани, аҳолининг ва ландшафтнинг муҳофаза қилишга 16,7 миллиард сўм, чиқиндиларни тўплаш ва чиқариб ташлашни ташкил этишга 3,7 миллиард сўм, оқова сувларни тозалашга 3,6 миллиард сўм ажратилганлигини таъкидлаб ўтилди. Бундан ташқари, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш дастури доирасида сув таъминоти тармоқлари қурилишига 29,6 миллиард сўм ажратилди.

Давлат бюджетининг 2010 йил тўққиз ойидаги ижроси масалаларини муҳокама қилиш жараёнида депутатлар бюджет интизомига риоя этилиши, аҳолининг аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган таadbirlarнинг молиялаштирилиши устидан назоратни кучайтириш, бюджетнинг даромад қисми сифатли бажарилишига салбий таъсир кўрсатадиган омилларга, хусусан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимандаликни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш таклиф этилди.

Барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари фикрларини эшитиб ва муҳокама қилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

РЕСПУБЛИКА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИКА МАКТАБИДА «КИЙИН ЁНУВЧАН МАТЕРИАЛЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ЁНГИНДАН ХАВФСИЗ МАТЕРИАЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДА ИЛМИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси ходимлари ҳамда Фанлар Академияси қшидаги Полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарнинг асосий мақсади ёнгиндан хавфсиз хомашё ишлаб чиқариб, тадбиркорлар ва кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш ва халқ хўжалигига татбиқ қилишдан иборат.

Ёнгинга бардош берувчи қурилиш маҳсулотларини яратишнинг инновацион технологиялари, фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлик истиқболларини йўлга қўйиш ҳамда олимлар томонидан шу йўналишда яратилаётган тадқиқотлар ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берилди. Ёнгиндан хавфсиз полимер, олигомер, антипирен маҳсулотлардан кенг миқёсда фойдаланиш турли даражадаги ёнгинларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Демак, ана шу мақсадга йўналтирилган семинарнинг ўтказилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Феруза ХОЛМУРОДОВА
«Ma'rifat» мухбири

АНГОР ТУМАНИДАГИ 5-МАКТАБДА ВИЛОЯТ БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ «ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА САМАРАЛИ ТАЪСИРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда халқ таълими ходимлари, хусусан, услубчи ва бошланғич синф ўқитувчилари иштирок этишди. Тадбирни виллоят таълим маркази директори Абдували Фаёзов очиб, таълим-тарбия сифати ва самардорлигини оширишда янги педагогик усулларнинг афзаллиги, бу борада виллоятда қўлга киритилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар хусусида тўхталди. Шундан сўнг қатнашчилар гуруҳларга бўлиниб, илгор муаллимларнинг очик дарсларини қўзатишди. 11 соатлик машғулотнинг 6 соати «намунали», 5 соати «яхши» деб топилди. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчилари Н.Орзуқуллова, Г.Қорасоқолова, Н.Мардонова ва Ж.Тўхтаеванинг ноанъанавий усулларда ўтган дарслари, шунингдек, 28-мактаб ўқитувчилари Н.Раҳматова ҳамда С.Сўфиевнинг «Алифбе байрами» га тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тавсиялари қатнашчиларга манзур бўлди.

Норқувват ТЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ИЗБОСҚАН ТУМАНИДАГИ 11-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МАЗМУНАН МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИГА КЎТАРИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ АСОСИДА БИР ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Яқинда мазкур таълим масканида Андижон қишлоқ хўжалик институти профессор-ўқитувчилари билан учрашув ўтказилди. Унда таълим муассасаларидаги мавжуд ўқув-лаборатория жиҳозларидан мақсадлик фойдаланиш, иқтидорли ўқувчиларни академик лицейларга жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди, кимё фани тўғрисидаги машғулоти таҳлил қилди. Баҳс-мунозара ва савол-жавобларга бой бўлган давра суҳбати ўқитувчию ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

О.СИДДИКОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБИМ ҚУЁШИ

Фан ойлиги доирасида пойтахтимиздаги 278-мактабда ҳам мазкур фан ўқитувчилари томонидан бошланғич синф ўқувчилари иштирокида ноанъанавий дарслар уюштирилди. Жумладан, миллий ғоя ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Гулноза Акбарованинг «Ватаним нега севамиз?» мавзусидаги машғулотида ўқувчилар фаол иштирок этиб, ўз ижод намуналари-деворий газета ва буклетлар намойиш этдилар.

М.МУМИНОВА
Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



ТЕРМИЗ ШАХРИДАГИ 11-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИДА ТЕРДУНИНГ ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ ФИЗИКА БЎЛИМИДА ТАХСИЛ ОЛАЁТГАН 24 НАФАР ТАЛАБА ЎҚУВ АМАЛИЁТИНИ ЎТАШДИ. АВВАЛИГА ҚУЗАТИЛГАН ДАРСЛАР, ТАДБИРЛАР, БЕЛЛАШУВ ВА МУСОБАҚАЛАР КЕЙИНЧАЛИК ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛДИ.

Амалиёт жараёнида талаба ва ўқувчилар, университет профессор-ўқитувчилари ва мактаб фан ўқитувчилари ҳамкорлигида «Физика, энергетика ва экология» деб номланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Уч қисмдан иборат ушбу анжуман физика тарихи, унинг бугунги кундаги ўрни, ҳаётдаги физик ҳодисалар тафсилоти ва аҳамияти ҳақида бўлди.

Талабалар раҳбарлигидаги 8-«Е» синф ўқувчиси Шаҳноза Бердиеванинг «Энергетика» ҳақида маълумот, 7-«Г» синф ўқувчиси Фазила Муродованинг «Физика ва энергетика» фанларининг ўзаро боғлиқлиги, 8-«А» синф ўқувчиси Норимхол Жўраеванинг «Ўзбекистондаги электростанциялар ҳақида маълумот» каби маърузалар баёни «Энг яхши маърузалар» номинацияси ғолиблари сифатида эътироф этилди. Физика бўлими талабаси Ўткир Холиқовнинг «Қуёш ва келажак электростанциялари» мавзусидаги маърузаси анжуманнинг энг қизиқ мунозарасига сабаб бўлди.

Яқиний босқичда «Энг, энг, энг»лар фахрий ва мактов ёрликлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Дилбар НОРМУРОДОВА,
Термиз шаҳридаги 11-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси



РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ НАШРИЁТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «АХБОРОТ КУНЛАРИНИ» ЎТКАЗИШ АНЪАНАВИЙ ТУС ОЛГАН.

Бу ерга ҳар йили «Ўзбекистон», «Шарқ», «Академик китоб», «Ўқитувчи», «Чўлпон», Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари вакиллари келиб, ўз маҳсулотларини мухлисларга тақдим этадилар. Бундан мақсад — янги нашр этилган китобларни таълим муассасалари раҳбарларига тақдим этиш, болалар ўртасида китобхонлик малакасини ҳосил қилиш ва ривожлантиришдир.

«Шарқ» НМАҚ маркетинг бўлими бошлиғи Улуғбек Раҳимов ушбу китоблар болалар эҳтиёжига мувофиқ тайёрланганини таъкидлар экан, уларнинг мазмун-мундарижасини шарҳлади. Кутубхонанинг катта ёшли болаларга хизмат кўрсатиш бўлими ходими Гулчеҳра Фуломова «Баркамол авлод йили»да зий масканига келтирилган турли жанрдаги китобларнинг ўқилиш даражаси бўйича ахборот берди.

Х.ТҶИМАНОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН «АҲОЛИ ВА ХУДУДЛАРНИ ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛДИ.

Унда республикамизнинг барча хуудларидан соҳага алоқадор турли идора вакиллари, жумладан, «Ўзгидромет» маркази, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» Миллий ҳолдинг компанияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

Йил давомида вазирлигимиз томонидан турли илмий-амалий конференциялар, матбуот анжуманлари, ўқув-амалий машғулоти ва қўзғовчилар маҳоратини ошириш мақсадида турли тактик ўқув машғулоти олиб борилди, — деди ФВВ матбуот хизмати бошлиғи капитан Комилжон Абдуллаев. — Бугун ўтказилган семинар ҳам шу каби мақсадларда ташкил этилди.

Тадбир икки қисмдан иборат бўлди. Биринчи қисм «Фавкулотда вазиятлар мониторинги ва баъшоратлашнинг долзарб муаммолари» умумий мавзуси доирасида олиб борилди. Иккинчи қисмда эса иқтисодий объектлари барқарорлигини таъминлашнинг устувор вазифаларига оид маърузалар тақдим этилди.

Тадбирда иштирок этган ОАВ ходимлари семинар сўнгида ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассис ходимлардан жавоб олдилар.

Шаҳина ЖЎРАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТУРКИСТОН» САНЪАТ САРОЙИДА ШАҲАР ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ҲАМКОРЛИГИДА «СЕВИНЧ» БОЛАЛАР ВОКАЛ ГУРУХИНИНГ 12 ЙИЛЛИК МУЧАЛ ТҶИИГА БАФИШЛАНГАН КАТТА ШОУ-КОНЦЕРТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Шоу-концертга ўқитувчи-мураббийлар, ота-оналар, «Севинч» болалар вокал гуруҳининг собиқ тарбияланувчилари ва бошқа меҳмонлар тақлиф этилди.

— Тадбирда «Севинч» гуруҳининг ўғил-қизлари билан биргаликда мактабимиз қошида фаолият юритаётган «Ассалом, янги авлод!» рақс дастаси тарбияланувчилари ҳам иштирок этмоқда, — дейди Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулноза Умарова. — Ушбу тантана нафақат мучал тўйи, балки болаларимизга Янги йил арафасида катта байрам соғваси бўлди.

Тадбир сўнгида болажонларга совға-саломлар улашилди.

Дилшод КАРИМОВ

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛГАНИМИЗДЕК, ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ҚЎШМА ЙИГИЛИШИДА ИЛГАРИ СУРГАН КОНЦЕПЦИЯНИ ЎРГИНИШ ВА УНИ КЕНГ АҲОЛИ ЎРТАСИДА ТАРФИБОТ-ТАШВИҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «АХБОРОТ ГУРУҲИ» ЎЗ ИШНИ БОШЛАГАНДИ.

Яқинда «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида Тошкент шаҳри туманларида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу тизимли ишларнинг узвий бир қисми бўлди. Унда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари ва фаоллари иштирок этди.

Тадбирда университет профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талабалар Концепция моҳиятига тўхталган ҳолда жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг аҳамияти, келгусида ушбу соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришда хорижий тажрибадан фойдаланиш, халқаро-ҳуқуқий нормалар ва стандартларни қўллаш йўллари каби масалаларга тўхталиб ўтди.

Маълумки, 2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланди. Мазкур давра суҳбатида ҳам хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, кичик бизнес, ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш, бунда фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳаллаларнинг иштирокини кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ қонунчиликни янада такомиллаштириш йўллари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тадбир якунида иштирокчилар келгусида амалга ошириладиган ишлар кўлами ва уни жорий этиш йўллари белгилаб олишди.

Шаҳноза АКРАМОВА,
ЖИДУ «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари

Эрталаб уйқудан уйғонган Азиза яна хархаша қила бошлади:

— Ойи, бугун ўқишга бормасам-чи? Боргим келмаяпти.

— Йўқ, қизим, ўзинг яхши ўқиб, шифокор бўламан дегандинг-ку, ўқишга бормасанг шифокор бўлолмайсан-да.

— Бормай кўя қолай, ойи-и-и!

Сир эмаски, баъзан шунга ўхшаш ҳолатлар учраб туради. Нега «Мен қачон мактабга бораман?», деб ота-онасини ҳоли-жонига қўймаган болаларнинг айримларида сал вақт ўтгандан сўнг ўқишга қизиқиш пасаяди? Мактабга мажбуран, ота-онаси қистови билан борадиган, назорат остидагина дарс тайёрлайдиган бўлиб қолади.

Ҳозирги кунда мактабга қабул қилинаётган 6-7 ёшли болаларнинг тайёргарлик даражасини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, айримларининг психологик ва индивидуал томондан тайёргарлик даражаси бироз суст бўлади. Шу сабабли мактабга катта қизиқиш билан келган биринчи синф ўқувчиларида ўқишнинг иккинчи ойданоқ чарчаш, иштиёқнинг сусайиши кузатилади.

Табиийки, биринчи синфга ўқишга боришдан олдин барча болада катта ака-опаларига ўхшаш, улардек дарс тайёрлаш, китоб жавонига эга бўлиш, мактаб формасида юришга қизиқиш кучли бўлади. Бу сингари эҳтиёжлар ўз моҳияти билан муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, теварак-атрофдаги воқеликни ўзлаштиришга қаратилмаган, балки фақат болаларча орзу-хаваснинг мевасидир. Шунингдек, билимлар кундаги шодиёна айём, ўқувчилик сафига қабул пайти, ота-онасининг, яқинларининг эътибори боланинг ҳис-туйғусига ижобий таъсир этади. Умуман, кичик мактаб ёшидаги бола ўқишнинг туб моҳияти ва вазифасини тушуниб етмайди, балки ҳамма мактабга бориши керак, деб тушунади, кўрсатмаларга амал қилиб тиришқоқлик билан машғулотларга киришиб кетади.

Кўп ҳолларда кузатилгани каби ўйинчоқ ёки велосипедни орзу қилиб юрган бола унга эга бўлгандан сўнг предмети бўлган қизиқиш йўқолиб, «У менга керак эмас» деб бошқа нарса хоҳлаганидек, орадан маълум вақт ўтгач, шодиёна лаҳзаларининг таассуроти камайиши билан мактабнинг ташқи белгилари ўз аҳамиятини йўқота бошлади ва ўқишнинг кундалик ақлий меҳнат эканлигини англайди.

Хўш, биз биринчи синфга ўқишга борган болалар қизиқишини сақлаб қолиш учун нималар қилишимиз ва боланинг психологик ва индивидуал тайёргарлиги борасида нималарга эътибор қаратишимиз керак?

Боланинг мактабга тайёргарлик жараёнини тўғри олиб бориш ота-оналар, МТМ тарбиячилари, муассаса психологларига боғлиқ. Баъзида ота-оналар фарзандини мактабга тайёрлаш жараёнини ўз билганича олиб боради, яъни 5-6 ёшли болага ўқиш, ҳисоб-китоб, ёзишни ўргатишади. «Дарсликни ўзлаштиришда қийналмайди, фалончининг ўғли ёки қизи ҳам 5-6 ёшида

мактабга бориб бинойидек юрибди, ўзлаштириши яхши», деган гапларни айтишади. Лекин, бола бу ёшда билимларни ўзлаштиришга тайёрма, йўқми, буни аниқ билмайди! Уларни мактабга тайёрлаётганда нималарга эътибор қаратиш зарур? Қуйида ушбу жараённинг баъзи жиҳатларига эътибор қаратамиз.

Боланинг психологик ва индивидуал тайёргарлиги.

Мактабга психологик тайёргарлик деганда боланинг руҳий ва индивидуал тайёргарлиги назарда тутилади. У мактаб таълимига аввал психологик жиҳатдан тайёрланади. Бинобарин, унинг руҳияти билим олиш учун етарли даражада ривожланади. Шу ёшдаги бола идрокнинг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, қизиқувчанлиги, дилкашлиги, хайрихоҳлиги, ишонувчанлиги, хотирасининг

оляпман, — деган жавобидан ҳайрон бўлиб, яна саволга тутдим:

— Қизингиз неча ёшда?

— Олти ёшда, ҳали мактабга бориш эртароқ эканлигини ўзим ҳам биламан, лекин «қатнайверсин, ўрганиб кетади», деб ойим қўймадилар, нима қилай?

Бундан кўриниб турибдики, бола мактабга боришга қизиққани билан, жисмоний оғирлик ва ақлий меҳнат туфайли ўқишдан совий бошлади, топшириқларни ҳам назорат остида бажаришга мажбур бўлади. Ваҳоланки, бу вазиятда яхши ўқиш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Демак, боланинг жисмоний тайёргарлиги биринчи ўринларда туриши лозим.

Интеллектуал тайёргарлик. Мактаб таълимига интеллектуал тайёргарлиги фикрлаш-умумлаштириш, таққос-

дошларига бўлган муносабати, муомаласини ўз ичига олади. Мактабга шахсий тайёргарлик ўзига бўлган муносабат ўзгаришига ҳам таъсир этади. Самарали ўқув фаолияти боланинг ўз имкониятлари ва қобилиятларига, хулқи ва онгининг маълум даражада ривожланишига таъсир этади. Боланинг мактабга шахсий тайёргарлигини унинг руҳий машғулотларда ўзини тутиши ва тенгдошлари билан бўлган суҳбат жараёнида аниқлаш мумкин.

Эмоционал-хоҳиш тайёргарлиги.

Мактаб даврига келиб, болада барқарор мотивларнинг юзага келиши унинг интилиш ва хоҳиш-истакларини бошқара оладиган шахсга айланишига замин яратади. Бу шахс ривожланишининг янги босқичини бошлаб беради. Эмоционал-хоҳиш тайёргарлигига

Dolzarb mavzu

хулқ-атвориغا ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Таниқли мутахассис З.В.Мануйленконинг фикрича, бола бирор мақсадга йўналтирилган машғулотга нисбатан ўйинда хулқ кўникмаларини тезроқ ва осонроқ эгаллаши мумкин.

Бола кундалик фаолиятининг асосини ўйин ташкил қилади, кўргазмаларни ўйин унда кўпроқ таассурот қолдиради. Бошланғич синф болаларининг кундалик фаолиятида ўйин билан бир қаторда ўқиш, дарс тайёрлаш вазифалари ҳам аста-секин ўрин эгаллай бошлади. Бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга ўтишда бола қийналмаслиги учун ота-она, бошланғич синф ўқитувчилари ва мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари кўмаклашишлари, болани қўллаб-қувватлашлари, ёрдам беришлари лозим.

Болани ўқишга қандай қизиқтиришимиз мумкин?

Бунинг учун болада маълум бир мақсад, қатъиятликни шакллантиришимиз зарур бўлади. Масалан, боланинг олдига кум соат қўйинг, вақтни бекорга сарфламаслиги ва вақтнинг қанчалик тез ўтишини тушунтиришга ҳаракат қилинг. Келишиб олингки, «а» ҳарфини тўғри ва аниқ ёзиши учун 3 дақиқа берилади. Агар берилган вақтдан эртароқ ёзиб бўлса, уни мактанг. Ҳарфлар нотекис ёзилган бўлса, қайтадан ёзишини сўранг. Илтимо-сингизни эртаси қахрамонлари орқали билдиринг, хунук, нотекис ёзилган ҳарфлар ундан хафа бўлишини, уларга эътиборлироқ бўлишини, чиройли, беҳато ёзса, ҳарфлар хурсанд бўлишини айтсангиз, у топшириққа жиддийроқ ёндашишга ҳаракат қилади. Белгиланган вақтда топшириқни уддалай олмаган болани койиманг, эртага бундан тезроқ ҳаракат қилишига ишонингизни билдиринг.

Таълимнинг мазмунига, билимни эгаллашга қизиқиш ўқувчининг ўз ақлий меҳнат натижасидан қаноатланиш ҳисси билан узвий боғлиқдир. Бу ҳис ота-онанинг, ўқитувчининг рағбатлантириши билан намоён бўлади ва ўқувчида самаралироқ ишлаш майли, истаги, иштиёқини шакллантиради. Ўз ишидан фахрланиш нафақат болаларда, балки катта ёшдаги кишиларда ҳам илиқ таассурот қолдириши табиий. Болада пайдо бўлган фахрланиш, ўз кучига ишонч ҳисслари, билимларни ўзлаштириш малакаси меъёрида бўлсагина, уларнинг тарбиявий таъсири ортади.

Аксарият болалар тезроқ катта бўлиб қолишни орзу қилишади. Ўзларининг ҳаракатларини катталарга тақлид қилиб шакллантиради. Бу дастлабки характер шаклланининг пайдо бўлишида кўринади. Бола катталарнинг вазифаси меҳнат қилиш, унинг вазифаси эса ўқиш эканлигини ўзи тушуниб етиши, бу вазифани унинг учун биров бажармаслигини англаши керак.

Лайло МАТСаПОЕВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси ПҚҚТМОИ
ўқитувчиси,
Азамат ПИРНИЯЗОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

ФАРЗАНДИНГИЗ МАКТАБГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ

ДЕМАК, ЗИММАНГИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ОШДИ

кучлилиги, тафаккурининг тиниклиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради. Боланинг мактабга тайёргарлигига шу билан бирга қуйидагилар ҳам киради:

1. Жисмоний тайёргарлик.
2. Интеллектуал тайёргарлик.
3. Шахсий ва ижтимоий-психологик тайёргарлиги.
4. Эмоционал-хоҳиш тайёргарлиги.

Жисмоний тайёргарлик деганда нима тушунилади?

Умумий жисмоний ривожланишда, белгиланган меъёрлар: вазн, бўй, кўкрак айланаси, шунингдек, эшитиш, кўриш, қўл ва бармоқ ҳаракатлари инобатга олинади. Бу ёшдаги бола биологик жиҳатдан уйғун ўсади, унинг бўйи ва оғирлиги, ўпкасининг ҳажми мутаносиб ривожланади. Бироқ умуртқа поғонасида ҳали тоғайсимон тўқималар учрайди, бу эса унинг суяк тизими такомиллашиб бораётганини кўрсатади. Юрак мускуллари тез ўсади, қон томирларининг диаметри сал каттароқ бўлади, миянинг оғирлиги бошланғич синфларда 1250—1400 граммни ташкил қилади. Шунинг учун боланинг тўғри ўсишига ғамхўрлик қилиш, толиқининг олдини олиш, ўқиш ва дам олиш режимида қатъий риоя этишларига аҳамият бериш керак. Қўл ва бармоқ ҳаракатларини шакллантириш учун бола билан ҳар хил ҳаракатли ўйинлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Бир кунни ҳамқасбимнинг иш вақтида қайта-қайта қўл телефонида уйига қўнғироқ қилишдан тез-тез безовта бўлаётганини сездим. Ундан: «Ҳа, тинчликми?», деб сўрадим.

— Қизим 1-синфга ўқишга боргани, жуссаси кичкина бўлгани сабабли сумкасини кўтаришга ҳам қийналади, ойм ўқишга олиб бориб, олиб қайтади, шунга уйдан хабар

лаш, уларни гуруҳлаштириш, хулоса қилиш жараёнлари, онгининг ривожланиши, атрофдаги ҳодисалардан кўргазмаларни фикрлаши, берилган топшириқни тўғри тушуниши ва уни мустақил бажара олиши билан белгиланади. Бунинг учун болага кўпроқ китоб ўқиб бериш зарур. Афсуски, бугунги кунда айрим хонадонларда болаларга жуда кам китоб ўқиб берилади, бу эса нутқининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Китоб ўқиб бериш орқали биз фарзандимизда образли, фазовий тасаввур, нутқ ва билиш фаолиятининг ривожланишига ҳам пойдевор яратамиз. Кўпинча биринчи синф болаларида бир ҳолатни кўрамазми, ўқишни яхши билмас ҳам китоб ёки дафтар саҳифасида нима ёзилганлигини гапириб бера олади. Сабаби, шу даврда болада кўриш хотираси яхши ривожланади. Қўлда ёки телевизорда кўрган нарсасини айтиб бериши, ўхшатиши ҳам шундан.

Дастлабки машғулотлар бола учун мураккаб бўлмаслиги ва энг асосийси, кўп вақтнинг олмаслиги керак. Чунки у тезда чарчаб қолиши мумкин ва сизни тингламаслиги кузатилади. Шу боис ўқитувчи дарсни ҳар кун учрайдиган оддий нарсалардан бошлаб, кейин аста-секинлик билан уни мураккабига кўчириб бораверса, мақсадга тез эришилади. Болага ҳаммаша ўрганганларини мустақамлаб олиш учун вақт беринг, хатолари сабаб койиманг, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилинг. Сизнинг далдангиз, меҳр-муҳаббатингиз болада ўзига бўлган ишонч, қатъийликни уйғотиши аниқ.

Шахсий ва ижтимоий-психологик тайёргарлик.

Шахсий ва ижтимоий-психологик тайёргарлик янги ижтимоий шароитга мослашиши, хулқ-атвори, катталар ва тенг-

бола ўзи мустақил фикрлаши, ўзи қарор қабул қилиши, ўз олдида мақсад қўя билиши ва буларни бажариши ҳам киради.

Мактабга тайёргарлик жараёни.

Фарзандингиз мактабга қадам қўйиш даврида, демак, зиммангизда масъулият катта. Болани мактабга қачондан тайёрлаш керак, деб уйлaysиз?.. Ўзингизнинг мактабга борган даврингиз билан солиштириб, жавоб бермоқчи бўлсангиз, хато қиласиз. Замонавий технологиялар, ахборот воситалари ривожланган даврда яшаётгани учун ҳам фарзандингиз сиз ўйлагандан кўра кўпроқ имконият, билим ва тасаввурга эга. Ота-она фарзандини мактабга тайёрлаш ишларини эътибор билан, бир-бирига юклармасдан ҳамкорликда олиб боришлари зарур. Кўпчилик оилаларда бу масалада оғирлик фақат оналар зиммасига тушади. Болада мактабга тайёргарлик жараёнини тўғри олиб бориш учун у билан баъзи ўйинларни ўйнаб туриш катта аҳамиятга эга. Психология фанидан маълумки, энг содда руҳий жараёндан энг мураккабига ҳаммасининг энг муҳим жиҳатларни шакллантиришда ўйинлар муҳим роль ўйнайди. Ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракатини ўстириш ва такомиллаштириш учун энг қулай шарт-шароит яратади. Иккинчидан, ўйиннинг бола ҳаракатига таъсир этишининг сабаби ва хусусияти шуки, ўйиндаги хатти-ҳаракатларни амалга ошириш воситасида боланинг фаоллиги ортади. Ўйиндаги вазиятдан келиб чиқувчи онгли мақсад ҳаракатларни бажариш асносида ўз ифодасини топади ва унинг эсда сақлаш хусусиятини ривожлантиради. Ўйин фақат билиш жараёнларини такомиллаштириб қолмай, боланинг

Umumlashtiruvchi dars o'tilgan mavzularni qamrab olish bilan birga qaytadan yodga tushirish orqali o'quvchilarning o'rgangan bilimlarini mustahkamlashga xizmat qiladi. Shuningdek, bunday darsda turli ilg'or metodlardan mohirona foydalanilsa, o'quvchilarning topqirligi, intellektual salohiyatini rivojlantirishga erishish mumkin.

Quyida 8-sinf fizika fanidan «Elektr toki. Elektr zanjiri» bobi bo'yicha o'tiladigan umumlashtiruvchi darsda qo'llash mumkin bo'lgan ba'zi metodlar e'tiboringizga havola etilmoqda.

Mavzu: «Elektr toki. Elektr zanjiri» bobi bo'yicha umumlashtiruvchi dars.

Dars maqsadi:

a) ta'limiy: o'quvchilarning elektr toki bo'limi bo'yicha olgan bilim, ko'nikma va malakalarini to'laroq shakllantirish. Elektr toki qonunlarini amalda qo'llash ko'nikmalarini hosil qilish;

b) tarbiyaviy: o'quvchilarda jamoada ishlash orqali o'zaro hamkorlik, hurmat, faollik, insoniylik kabi xislatlarni shakllantirish;

d) rivojlantiruvchi: o'quvchilarga mantiqiy savollar berish orqali mustaqil fikrlash qobiliyatini rivojlantirish hamda o'z fikrini erkin bayon qilish malakasini hosil qilish.

Dars uslubi: interfaol («Musobaqa», «Mustaqil ishlash», «Og'zaki-amaliy»).

1. Elektr toki bu ...
 2. Tok kuchi bu...
 3. Elektr qarshiligi o'tkazgichning nimalariga bog'liq?
 4. Om — qaysi fizik kattalik birligi?
 5. Zanjirning bir qismi uchun Om qonuni.
 6. Ampermetr zanjirga qanday ulanadi?
 7. Reostat deganda nimani tushunasiz?
 8. Elektr tokining quvati deb...
 9. Parallel ulanganda tok kuchi...
 10. Joul-Lens qonunini bilasizmi?
 11. Elektr kuchlanishi qanday asbob bilan o'lchanadi?
 12. Elektr tokidan nimalarda foydalaniladi?
- V. «Idrok xaritasi».** Bu metod fikrlarni taqdim qilish va bog'lash usuli

Sinab ko'ring

ADABIYOT DARSIDA INTERFAOL USULLAR

Gulchehra Mamanboyeva Yakkasaroy tumanidagi 91-umumta'lim maktabida faoliyat ko'rsatib kelmoqda.

U ilg'or pedagogik texnologiyalar asosidagi noan'anaviy darslari bilan o'quvchilarda o'z faniga nisbatan qiziqish uyg'ota olgan.

Gulchehra opaning sa'y-harakatlari tufayli maktabda kasb tanlash yo'nalishi bo'yicha turli ko'rik-tanlovlar muntazam o'tkazib boriladi. U tashkil etgan «Iqtidorlilar» klubi bir necha yildan beri faoliyat ko'rsatib kelmoqda. Shogirdlarining safi kengayganidan quvongan ustoz maktabda 2009—2010 o'quv yilida «Nihol» drama studiyasini tashkil etdi.

Uning «Mumtoz adabiyotida o'zbek shoirlari ijodi», «Nafosat elchisi», «Huvaydo g'azallarining sharhi» mavzularidagi metodik tavsiyalari risola shaklida chop etilgan. Muallima 2010-yili «Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi» ko'rik-tanlovining shahar bosqichida 2-o'rinni egalladi.

Quyida uning 8-sinf o'quvchilari uchun bir soatlik dars ishlanmasini hukmingizga havola etilmoqda.

Mavzu: «Kuntug'mish» dostoni matni ustida ishlash

Darsning maqsadi:

Ta'limiy: dostonning umumiy mazmuni yuzasidan malaka hosil qilish, o'quvchilarda matn bo'yicha fikrlay olish, munosabat bildirish ko'nikmalarini tarkib toptirish.

Rivojlantiruvchi: o'zining va o'zgalar tuyg'ularini his qilish va hamkorlikda ishlash malakalarini rivojlantirish, og'zaki va yozma nutqini shakllantirish.

Tarbiyaviy: o'quvchilarni insonparvarlik ruhida tarbiyalash.

Dars uslubi: «Bahs-munozara», «Intelekt», «Suqrot», «Zinama-zina» metodlari.

Dars jihozi: adabiyot darsligi, «Kuntug'mish» dostoni, marker, qog'ozlar, multimedia apparati.

Dars turi: noan'anaviy.

Darsning borishi:

Tashkiliy qism amalga oshiriladi. Darsning rejasini haqida o'quvchilarga tushuncha beriladi.

«Intellekt» metodi asosida darsning birinchi qismi boshlanadi. (Yozuv taxtasida beshta raqam ostida tezkor savollar berilgan. Guruhlar tanlaydi, jamoa javob beradi). Savollar quyidagicha

1. Dostonni o'qish davomida sizda qanday o'y-fikrlar paydo bo'ldi?
2. Xolbekaning o'ziga xos fazilatlari nimada?
3. Xolbeka timsoliga sizning munosabatingiz qanday?
4. Kuntug'mish sizning tasavvuringizda qanday yigit?
5. Gurkiboy bilan Mohiboy qanday bolalar?
6. Dostondagi voqealar qaysi zamonda, qayerda bo'lib o'tgan?
7. Dostonning umrboqiyiligi siri nimada?

Javoblar tinglanadi, izohlanadi, so'ng asar mazmuniga yanada chuqurroq kirish uchun «Suqrot» metodi tanlanadi.

O'qituvchi: — Asarning badiiy qimmatini oshiruvchi eng yaxshi vosita bu detاللardir. Dostonda qanday o'ziga xos detاللar qo'llangan? Darslikdan qidirib toping va daftaringizga yozing. (Topshiriq tayyor bo'lgach, o'quvchilar birin-ketin o'qiydilar.)

O'quvchi: Maktub, soch tolasi, surat, sandiq...


Savol: — Soch tolasi asarning qaysi voqea bilan bog'liq joyida uchraydi? So'zlab bering? (Har bir o'quvchiga javoblarini o'qish jarayonida xuddi shunday savollar bilan murojaat qilib boriladi va doston matni bo'yicha bilimlari mustahkamlanadi).

O'qituvchi: — Dostonda tilga olingan joy nomlari qaysilar? Daftaringizga yozing va fikringiz bilan javobni to'ldiring (1-chizma).


O'qituvchi: — Dostonni o'qiganingizda qaysi qahramonlarga havas qildingiz, qanday ma'naviy tarbiya oldingiz? Asar qahramonlarini ikki guruhga ajratgan holda yozing, qahramonlar talqini bo'yicha berilgan savollarga javob bering (2-chizma).

O'quvchilar jamoa bo'lgan holda vazifalarni bajaradilar. Topshiriqlarning har biriga javobni guruhlardan bittadan o'quvchi yozuv taxtasi oldida quyidagi ko'rgazmaga marker bilan ifoda etib boradi.

1-chizma




2-chizma



«Zinama-zina» metodi. Ushbu metodni qo'llashdan maqsad dars ona tili fani bilan bog'lanadi. Bunda og'zaki va yozma nutq shakllanadi, grammatik qoidalar esga solinadi. Xolbekaga tavsif berish jarayoni darsning shu qismida amalga oshiriladi. Albatta, har bir tavsifni yozgandan so'ng «Nima uchun?» degan savol ostida bahs-munozaraga kirishiladi.

Xolbekaning o'ziga xos fazilatlari
1 so'z, 2 so'z, 3 so'z, 4 so'z, 5 so'z, 6 so'z



Har bir topshiriq bajarilgach «Nima uchun?», «Nega?», «Qayerda?» kabi savollar bilan doston matni bo'yicha bilimlar mustahkamlanib boriladi. O'quvchilar bali eshittiriladi, izohlanadi.

«Muammoli vaziyat» metodi. Uyga vazifa yozma tariqasida berilsa, o'qituvchi tomonidan belgilangan savol va topshiriqlarga og'zaki javob berishga tayyorlanib kelish topshiriladi.

Uyga topshiriqda o'quvchilar dostonidan asar qahramonlariga xos bo'lgan vaziyatni belgilaydilar, sababini ko'rsatadilar va vaziyatdan chiqib ketish harakatlarini yozib chiqadilar (Kuntug'mish, Xolbeka, Mohiboy, Gurkiboy). Quyidagi chizma asosida bajaradilar.

Vaziyat	Vaziyatning sababi	Vaziyatdan chiqib ketish harakatlari

Dars yakunida mavzu yuzasidan uyga vazifa beriladi.

Darsni RTM metodisti
Oysuluv MUSURMONQULOVA
kuzatdi.

FIZIK ESTAFETA

u qanday tashkil etiladi?

Dars shiori: «Aql tarozisida o'lchanmagan bilim asossizdir».

Dars jihozlari: ampermetr, voltmeter, tok manbai, kalit, o'tkazgich simlar, elektr lampochkalar, kompyuter, ekran, plakatlar.

Darsning borishi:


I. Tashkiliy qism:

Salomlashish, davomatni aniqlash, sinf xonasi va o'quvchilarning darsga tayyorgarligini tekshirish. Mavzu va reja e'lon qilinadi. O'quvchilar ikki guruhga ajratiladi va guruhlariga nom beriladi (masalan, «Amper», «Volt»). Har bir guruh o'z guruhiga nomi berilgan olim haqida qisqacha ma'lumot beradi. Guruhlarning o'zi ekspertchi o'tkazuvchilar, nazariyachilar, tahlilchilar, eruditlar, bilimdonlar, shifokor va iqtisodchilarga bo'linadi.

II. Eksperimental topshiriq. Eksperiment o'tkazuvchilar laboratoriya jihozlaridan foydalangan holda «O'tkazgich qarshiligini o'lchash», «O'tkazgichlarni ketma-ket ulash» kabi frontal topshiriqlarni bajarib, tahlil qiladi.

Eksperimental topshiriq bajarilayotganda, boshqa o'quvchilar fizik estafeta mashqini bajaradi.

III. Fizik estafeta.



IV. Eruditlar musobaqasi.

Nazariy bilimlarni xotiraga keltirishni ko'zda tutgan bu uslub o'quvchilarni hozirjavoblikka undaydi. Erudit musobaqasida ikki daqiqada qaysi o'quvchi savollarga ko'proq javob bera olishi borasida kuch sinashadi.

bo'lib, u o'quvchilarda tasavvur qilish va fikrlarni tizimlashtirishga qaratilgan.

VI. Kim chaqon?

Ikki nafar o'quvchi doskaga chiqib, quyidagi masalalarni yechadi. Qolganlar ham o'z daftarlarida topshiriqni bajaradilar.

- 1) Elektr plitkasining spirali orqali 1,4 A tok o'tmoqda. Undan 10 daqiqada qancha zaryad miqdori o'tadi?
- 2) Uzunligi 80 sm., ko'ndalang kesim yuzasi 0,2 mm² bo'lgan alyuminiy o'tkazgichning qarshiligi nimaga teng?

VII. Shifokor maslahati.

O'qituvchi o'quvchilarning inson hayotida tokning xavfli masalasidagi bilimlarini sinab ko'radi. Oxirida ularning fikrlarini umumlashtirib, xulosa yasaydi. Shuningdek, bu borada zaruriy ma'lumotlarni beradi. Masalan, quyidagi ma'lumotlarni aks ettirish mumkin: odam tanasidan o'tadigan tok Om qonuni orqali aniqlanadi. Kundalik turmushda ko'p ishlatiladigan elektr asboblari 220 V. kuchlanish bilan ishlaganda, qarshilik 105 Om bo'lishi kerak. Tok kuchi 2.2mA-2A oralig'ida o'lim xavfini tug'diradi. Tok kuchi 3A bo'lganda, yurak urishi to'xtaydi. Odamning tanasidan o'tuvchi tok markaziy asab sistemasiga ta'sir ko'rsatib, yurak va nafas olish ishini buzadi. Tok urganda birinchi navbatda sun'iy nafas oldirish va yurakni massaj qilish kerak bo'ladi.

VIII. Iqtisodchi.

Elektr tokidan unumli foydalanish borasida, isrofgarchilikka yo'l qo'yishning oqibatlarini haqida ma'lumot beriladi. Xonadonlarimizda foydalaniladigan 100Vt.li bir elektr lampasi 10 soat yoniq qoladigan bo'lsa, 100 100Vt/soat energiya sarflanadi, ya'ni 1kVt/soat. Bu sarflanishni Joul-Lens qonuni bo'yicha hisoblaymiz. 1kVt/soat energiya taxminan 64 so'm 80 tiyn deb olinsa, mahalladagi 200 xonadonda bir elektr lampasi 10 soatdan yoniq qolsa, 200x648=129600 so'm ziyon keladi. Shuning uchun elektr tokidan unumli foydalanib, o'z xarajatlarimizni tejaylik.

Agar biz o'quvchilarni tejamkorlik, davlatimizning moddiy boyliklarini isrof qilmaslik ruhida tarbiyalay olsak, bu o'z-o'zidan jamiyat taraqqiyotiga xizmat qiladi.

IX. Yakunlash. O'quvchilar bilimlari baholash, taqdirlash, uyga vazifa berish.
Feruza TEMISHOVA,
Bo'stonliq tumanidagi
1-maktabning fizika o'qituvchisi

НАНОТЕХНОЛОГИЯ БЎЙИЧА ЯНГИ КАШФИЁТЛАР

ЮРТИМИЗ ЁШ ОЛИМЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИ НАТИЖАСИДА ЯРАТИЛАЖАК!

Сўнги ўн йилда нанотехнологиялар туфайли дунёда молекуляр технологиялар ва молекуляр саноатни ривожлантириш йўналишида улкан ютуқларга эришилди. Материяни молекуляр масштабда бошқариш улкан технологик кашфиётларга асос бўлмоқда. Шундай экан, бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини тарғиб қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Бугунги суҳбатдошимиз шу йўналишда илмий изланиш олиб бораётган ёш олим, Европа кимёгарлар жамияти, физиклар жамияти, Лондон физика институтининг конденсирланган мухитлар назарияси гуруҳи ва Халқаро нанотехнология ассоциацияси аъзоси айни дамда БухДУнинг назарий ва қаттиқ жисмлар кафедраси лаборатория мудирини Зафар КЕНЖАЕВДИР.

— Илм-фан соҳасига қизиқимга отам инженер-механик Мурод Кенжаев ва онам инженер-гидромелиоратор Хумор Кенжаева сабабчи бўлганлар, — деди у. — Эсимни таниганимдан буён кўзим тушган ва мени қизиқтирган нарсалар, воқеалар тўғрисида уларни тинмай саволга тутардим. Дунёқарашимнинг шаклланишида ота-онамнинг шахсий кутубхонаси бўлганлиги анча асқотган.

Суҳбатдошимнинг илм-фанда ўзига хос ютуқларга эришишига ўша кутубхонадаги китобларнинг аксарияти техника фанларига оидлиги ёки ўқувчилик давридаги дарсхонаси эҳтиёт қисм ва реактивлар сақланадиган омборхона ёки «қўлбола» лабораторияга айлангани сабаб бўлгани яна бир омилдир.

З.Кенжаев бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Фундаментал тадқиқотлар дастури бўйича давлат гранти доирасида учта илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

— Биринчиси, «Паст ўлчамли системалар ва наноструктураларнинг оптик, магнит ва бошқа хоссаларини тадқиқ қилиш» йўналишида бўлиб, грант лойиҳаси Бухоро давлат университетининг Назарий ва қаттиқ жисмлар физикаси кафедраси ва ЎЗМУ Амалий физика илмий-текшириш институтининг Оптика лабораторияси ҳамкорлигида бажарилаяпти, — дейди ёш олим.

(Изоҳ ўрнида: «Паст ўлчамли система» — фазовий ўлчамларининг бирор-бир йўналиши бўйича чегараланган, яъни наноўлчамда бўлган системадир. Системанинг нанометрли бўлган фазовий ўлчамдаги электронларнинг кинетик энергияси дискрет қийматлар қабул қилади, шу сабабдан ҳам электронларнинг кинетик энергияси узлуксиз қийматлар қабул қиладиган «ҳажмий» системалардан фарқли ўлароқ, бундай системаларда квант эффектлари яққол намоён бўлади. Масалан, 2D «икки ўлчамли система»ларга қалинлиги нанометр ўлчамдаги юпка плёнкалар, 1D «бир ўлчамли системалар»га нанопиллар кирди.)

У раҳбарлик қилаётган БухДУ илмий-тадқиқот гуруҳи томонидан бир ўлчамли наностемалар бўйича юзадаги чексиз баланд потенциал тўсиқли цилиндрик нанопиллардаги заряд ташувчилари-

нинг энергетик спектрини аналитик ва сонли ҳисоблаш учун анизотропик эффектив масса усулини яратиш кўзда тутилган.

— Икки ўлчамли наносистемалар бўйича эса $PbTe/Pb_1Sn_1Te$ гетероструктуралар таққиланган зонасининг кенглиги икки зонали модел доирасида структура ўсишининг фазовий координаталарига турлича боғлиқ бўлган чизиқли ва погонасимон гетероўтишларининг хоссаларини ўрганиш мақсад қилиб қўйилган.

Иккинчиси, БухДУнинг Назарий ва қаттиқ жисмлар кафедрасидаги «Хаббард моделидаги кучли корреляцияли паст ўлчамли системаларнинг энергетик ва структуравий харақтеристикаларини тадқиқ қилиш» мавзусида бўлиб, илмий-тадқиқот гуруҳи томонидан Хаббард модели доирасида наносистемаларнинг асосий харақтеристикаларини ҳисоблаш кўзда тутилган.

— Ушбу тадқиқот ишида, — дея давом этди Зафар Кенжаев. — Хусусан, тагдон атомларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда наносистемадаги атомлар спинининг проекциясини ҳисоблаш, ҳамда квази нол ўлчамли наносистема, яъни фуллерен ва унинг структуравий элементларининг (пентагон ва гексагон) асосий ҳолат энергияси, энергетик спектрларини ҳисоблаш мақсад қилиб олинган.

Учинчиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бухоро минтақавий илмий марказида проф. Д. Жўраев раҳбарлигидаги «Ўта ўтказгичлар ва магнит материалларнинг оптикавий ва магнит хоссаларини тадқиқ қилиш» грант лойиҳаси бўйича функционал зичлиги усулидан фойдаланган ҳолда кўп зонали Хаббард модели доирасида юқори ҳароратли ўта ўтказгичларнинг оптикавий ва магнит хоссалари тадқиқ этилмоқда. Хусусан, тадқиқот доирасида икки зонали ўта ўтказгичларда электронларнинг магнит ва номагнит киришма атомларида сочилишининг ўта ўтказувчанлик ҳароратига таъсири ҳамда юқори ҳароратли ўта ўтказгич материаллардаги электрон ҳолатлари симметриясининг ўта ўтказгич-диэлектрик-ўта ўтказгич контактларининг вольт-ампер харақтеристикаларига таъсири ўрганилмоқда.

Ёш олимнинг изоҳ беришича, бугунги кунда чет элдаги илмий марказлар: Кембриж университетининг Материал-шунослик кафедраси Лондон

Физика институтининг Конденсирланган мухитлар назарияси гуруҳи (Буюк Британия), Эдмонтон Миллий нанотехнология маркази (Канада), Калгари университетининг Квант-ли ахборотлар институти ҳамда Халқаро Макс-Планк илмий-тадқиқот марказининг Комплекслар физикаси институти (Германия) билан ҳамкорликда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари якунида қуйидаги натижаларга эришилиши кутилмоқда.

- динамикавий ўрта майдон назарияси ва локал электрон зичлиги яқинлашуви асосида перовскит структурали манганитлар учун кулон ўзаро таъсири ва Ян-Теллер ионларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда Хаббард-Холштейн гамилтониани асосида реалистик микроскопик моделни яратиш;

- реалистик микроскопик модел доирасида легирланмаган $LaMnO_3$ манганитдаги диэлектрик асосий ҳолат ва босим таъсири натижасидаги диэлектрик-метал фазавий ўтишининг табиатини аниқлаш;

- легирланган $La_{1-x}Sr_xMnO_3$ манганитида кечади-

Fan va hayot

ган улкан магнит қаршилик ҳодисасининг ўзига хос хусусиятини кулон ўзаро таъсири ва Ян-Теллер ионларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда реалистик микроскопик модел доирасида тавсифлаш;

- ностационар функционал зичлиги назарияси ва динамикавий ўрта майдон доирасида квантли Монте-Карло усулидан фойдаланиб, чекли ва чексиз квазибирўлчамли полиацетиленли ва водородли занжирларнинг электрон кўзғалишлари спектрини ҳисоблаш;

- қисқа лазер импульслари билан кўзғатилганда атом ва кластерларнинг энергиявий спектрлари ва фотоэлектрон спектрларини ностационар функционал зичлиги назарияси доирасида тавсифлаш.

(Изоҳ ўрнида: КЛАСТЕР — атомларнинг тузилмаси бўлиб, наноўлчамда бўлади. Кластер иккита атомдан (димер) бир неча минглаб атомгача бўлган элементлардан тузилиши мумкин. 1 — 100 нм. ўлчамдаги кластерларда квант эффектлари яққол намоён бўлиб, худди шу турдаги атом ёки молекулардан ташкил топган «ҳажмий» материалдан хоссалари кескин фарқ қилиши кузатилади.)

Таъкидлаш жоизки, олинган ва кутилаётган натижалардан жамиятимизнинг турли соҳаларида фойдаланиш мумкин. Эътиборлиси, айни тадқиқотлар орқали наноматериалларнинг янги, бошқариладиган муҳим хоссалари кашф қилинади ва кейинги тажрибалар учун керакли вазифа ва масалалар қўйилади.

— Фан ва техника тараққети кўп жиҳатдан тажриба ва назариянинг ўзаро мутаносиблигига боғлиқ. Назария ва тажриба орасидаги масофанинг узоклашиб кетиши натижаси-

да фан-техниканинг турғунлашишига олиб келишига тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин, — деди тадқиқотчи. — Шу сабабдан ҳам биз олиб бораётган илмий-тадқиқотларимизда дунёнинг етакчи илмий марказлари билан ҳамкорлик қилиб келямиз, бу эса изланишларимизнинг муваффақиятини таъминловчи энг муҳим омиллардан биридир.

Хусусан, ярим ўтказгичлар асосидаги гетероструктуралар бўйича олиб борилаётган тадқиқотларимиз натижаси ўлароқ инфрақизил соҳада ишловчи лазерларнинг янада энергия сарфи камроқ ва самаралироқ турларини яратишни тақлиф қилишни мўлжаллаяпмиз. Бу фикрни аввалги илмий-тадқиқот ишларимизда олинган натижаларга асосланиб айтяпман, — деди З.Кенжаев тадқиқот натижалари хусусида тўхталар экан. — Инфрақизил лазерлар эса халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилади, хусусан, бугунги кунда улардан медицинанинг диагностикадан тортиб даволашгача бўлган жараёнларида кенг фойдаланилмоқда.

Фуллеренлар ва уларнинг структуравий элементлари бўйича тадқиқотларимиз натижасида, яқинда кашф қилинган ва келажакнинг энг муҳим материалга айланиши кутилаётган фуллереннинг графитнинг структуравий элементларидан ҳосил бўлишидаги муҳим физикавий ва кимёвий омилларнинг таъсирини янада ойдинлаштиришда олдинга кичик қадам ташланади. Фуллерен асосидаги материаллар ҳам жамиятнинг кўп соҳаларида қўлланилиши кутилмоқда. Хусусан, инсониятни ташвишлантириб келаётган ва деярли давосиз ҳисобланган саратон касаллигини даволаш муаммосининг ҳал этилишида айнан шу наноструктурага катта умид боғланаяпти. Ундан ташқари, микроэлектроникадан тортиб кишлоқ хўжалигигача бўлган соҳаларда ҳам фуллеренларнинг қўлланилиши кутилмоқда.

Юқори ҳароратли ўта ўтказгичлар ва улар асосидаги қурилмалар (СКВИДлар) келажакда жамиятнинг энг муҳим соҳаларида микроэлектроника, энергетика, транспорт ва ҳоказоларда кенг қўлланилишига шак-шубҳа йўқ эканлигини ёш олим Зафар Кенжаев қуйидагича изоҳлади:

— Ҳозирда юқори ҳароратли ўта ўтказгичларда электр қаршилигининг йўқолиши хона ҳароратидан анча паст ҳароратларда юз бериши ва анча қимматлиги, уларнинг кундалик турмушимизга кенг миқёсда қўллашга тўсқинлик қилмоқда. Хона ҳароратидаги ўта ўтказгичларнинг яратилиши инсоният тарихида эришилган энг муҳим ютуқлардан бири бўлади, десам муболага қилмаган бўламан. Юқори ҳароратли ўта ўтказувчанлик кашф қилингандан (1985 й.) ҳозиргача ўн мингдан ортиқ экспериментал натижалар чоп этилган бўлса-да, бу ҳодисани тавсифлаб берадиган тайинли бир назария ҳалигача

мавжуд эмас. Лекин охириги 5 йилда кўп зонали моделлар доирасида юқори ҳароратли ўта ўтказгичларнинг кўплаб муҳим хоссаларини тавсифлашда маълум бир муваффақиятларга эришилди. Шу сабабдан бу соҳада олиб бораётган ўзига хос оригинал илмий-тадқиқотларимиз натижаси хона ҳароратидаги ўта ўтказувчанликнинг мукамал ва тўқис назарияси томон қўйилган қадамлардан бири бўлади, деб умид қиламиз.

Демак, олиб борилаётган назарий тадқиқотлар келажакда янги экспериментал вазифа ва масалаларни қўйиш имконини беради, эксперимент натижаларини тавсифлаш ва интерпретация қилиниши кузатилган жараёнларни тўлиқ англаш имконини беради-ки, бу қонуният ва жараёнлар асосида инсониятга хизмат қиладиган янги материал ва ускуналарни яратиш ҳамда уни халқ хўжалиги ва саноатига таъбиқ қилиш бевосита технологияларнинг вазифасига киради.

— Чет эллик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда олиб бораётган тадқиқотларимиз натижаси ўлароқ улкан магнит қаршилиги асосида янги материалларнинг хоссаларини янада катта аниқлик билан тавсифлаш кўзда тутилганки, бу улкан магнит қаршилигининг мураккаб ва кўп жараёнли табиатини тушунишга имкон беради. Улкан магнит қаршилиги асосида ишлайдиган электрон хотира қурилмалари компьютер технологияларида кенг қўлланиб келинмоқда. Ахборот-технологиялари ривожланган даврда ахборот миқдори кескин даражада ошиб бормоқда-ки, уларни сақлаш ва фойдаланиш асримизнинг долзарб муаммоларидан бирига айланади. Бу соҳада олган натижаларимиз кейинги авлод тезкор компьютерлари учун ахборотни янада катта ҳажмларда, кам энергия сарфи ва юқори самардорлик билан сақлаш ва фойдаланишга имкон берувчи қурилмаларнинг яратилишига хизмат қилади. Шунингдек, ўта ўтказувчан квант интерферометрлари (СКВИД) ёрдамида кучсиз микроскопик магнит майдонларини аниқлаш ва ўлчаш мумкин. Ҳозирги пайтда диагностика медицинада кенг қўлланилаётган магнит-томографияларида сезгир СКВИДлар ишлатилади ва бу соҳада эришилган ютуқлар мазкур медицина қурилмаларининг янада такомиллашувида олиб келади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимиз олимлари томонидан ҳам замонавий илм-фан ютуқлари, илгор технологиялар асосида умуминсоният тараққиётига хизмат қилувчи оламшумул кашфиётлар амалга оширилмоқда. Айни изланишларга, айниқса, «Баркамол авлод йили давлат дастури» асосида ёш истеъдодли тадқиқотчиларнинг ҳам кенг жалб этилиши мамлакатимизда илм-фаннинг барча соҳаларида ҳам катта аҳамиятга молик янгиликлар қилинишига асос бўлаётгани эътиборлидир.

Дилфуза ТОШКЕНБОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Буюк аждодларимизнинг илм-фан, маданият, сиёсат ва бошқа соҳаларда амалга оширган улкан яратувчанлик ишлари инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшганини бугун жаҳон афкор оммаси тўлиқ эътироф этади. Дунёда биринчилардан бўлиб олий таълим ва академик илм-маърифат ўчоқларини ташкил қилган бобокалонларимиз имон-этиқодли, эзгу ниятли, юртпарвар, бир сўз билан айтганда, комил инсонларни тарбиялашнинг ахлоқий-маънавий, илмий-фалсафий асосларини ишлаб чиқишга устувор аҳамият қаратганлар.

Комил, иродали шахс тарбияси муаммоларини ҳал қилишга уринган илк таълимотлардан бири "Авесто" ҳисобланади. Қадим аждодларимизнинг бу борадаги қарашлари уч асосда намоён бўлади. Комил инсон тарбиясида **эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалга** риоя этиш асос-қоидадир. Агар шу принциплар ақл, идрок ва амалда

Агар маданияти энг раванқ топган, дея таърифланган Юнонистон, Рим маданий-маънавий ҳаётида ҳам "Авесто" таълимоти билан рақобат қилувчи маънавият сарчашмаси йўқлигини эсга олсак, аждодларимиз жуда узоқни кўзлаб илгари сурган таълимотнинг қадри нақадар буюклигини яна бир бор ҳис этамиз.

ҳалол луқма тановул қилиши алоҳида таъкидланади. "Авесто" яшлариди инсоннинг ўнг ва сўл қўли билан қилган ҳалол меҳнати эвазига яратилган ноз-неъматлар, зироат, мўл-кўл ҳосил, яъни инсоннинг ризқи покиза ақл ва пок руҳнинг манбаи эканлиги таъкидланади.

Зардушт таълимотида фарзандлар тарбиясига жамият ва оиланинг энг муҳим бурчи сифатида қаралади. Унда келажак замонлар учун хизмат қила оладиган педагогик-дидактик ғоялар мужассамлашган. Унда комилликка интилувчи ёшларга Аҳурамазда номидан олқишлар ёғдирилади. *"Аҳурамазда яратган яхшилиқ ғоясига, соғлом, ақл-хуши тетик фарзандларга, жасур, доно, турли тилларни биладиган ўғил-қизларга, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кўрадиган*

Donish chirog'i

туғилиши ва чақалоқлигидан жисмоний тарбиясига жиддий эътибор берибгина қолмасдан, уларнинг ҳикмат ўрганиши, маънавий соф бўлиши, яхшилиқ ва эзгулик ҳислатларини эгаллашига ҳам жиддий ғамхўрлик қилинган. Ўғил болалар эл-юрт ҳимоячилари бўлгани учун жисмоний ва руҳан чиниққан, ҳар қандай қийинчиликларга бардошли, турли фаслларда ҳам кескин ҳаракатларда толиқиш, чарчашни билмайди қилиб тарбияланган. Улар кураш тушишдан ташқари, эллика яқин қуролларни ишлата олиш, шу орқали чорвага, уйга тажовуз қиладиган қароқчи ва босқинчилик мақсадидаги ҳаракатларни бартараф этишлари зарур эди.

Ҳар бир оила истаган маҳалда ўзини, қишлоғи ва Ватанини ҳимоя қилишга, осойишталикни таъминлашга шай туриши муқаддас бурч, ҳаётини зарурат ҳисобланган. Чунки зўравонлик ва адолатсизликлар йўлини тўсишнинг жисмоний-жанговар ҳамда маънавий-ахлоқий уйғунлигини таъминлаш жамиятнинг асосий талаби бўлган. Жамият осойишталигини сақлашнинг доимий жанговар куч ва воситалари огоҳлик жабҳасида мудом хушёр турган. Шунга кўра, жанговар ҳолатда юриш ҳатто қиз болалардан ҳам талаб этилган. "Авесто"да бу ҳақда шундай таъкидлар мавжуд: *"Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш ўрганишга янада жиддийроқ киришсинлар. Чунки улар ўзлари туғилган хонадонда ота рўзғорини тартибга солиб, уйга зийнат бериб юрсалар, жуфти ҳалоли уйига боргач, келажак насл, яъни фарзандлари тарбияси, таълими билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади"*. Шу тариха, қиз болалар юнгдан урчуқ билан ип йигириш, матолар тўқиш, либослар тикишдан ташқари, ўғил болалар билан кураш тушиш, чавандозлик, қиличбозлик қилиш, қалқон тутиб, ўзини рақибидан ҳимоя этиш, отда турли ғовлардан сакраб ўтиш, сувда сузиш, узоққа чопиш, найза ирғитиш, камондан ўқ узиш ва бошқа жисмоний-ҳарбий машқлар билан машғул бўлишган.

Бу масалаларга ўрта асрлардаги буюк аждодларимиз янада теран тафаккур кўзи билан қараб, умумбашарият учун комил инсонни тарбиялашнинг муҳим асосларини ишлаб чиқдилар. Улар одам ва олам моҳиятини англашда — диний ва дунёвий таълимотлар маърифатидан самарали фойдаланиб, бу соҳада дунёнинг етакчи алломаларига айландилар. Улар шу ишлари билан бир вақтнинг ўзида Шарқ уйғонишини ҳам бошлаб бердилар.

Кўринадики, башариятга улкан маънавий мерос қолдирган улуг аждодларимиз комил инсон, баркамол авлод тарбияси масалаларида замонлар ўтса-да, эскирмайдиган таълимотлар яратиб кетганлар. Улардан унумли ва укувли фойдаланиш, мавжуд муаммоларни ечиш масъулияти эса, биз — зиёлилар зиммасидадир.

Ж.РАҲИМОВ,
педагогика фанлари номзоди,
Р.КҶҶҚОРОВ,
филология фанлари номзоди,
И. ХАЙДАРОВ,
тарих фанлари номзоди

КОМИЛЛИКНИНГ ТЕРАН ИЛДИЗЛАРИ

тўла рўёбга чиқса инсоннинг бутун жисмоний, ақлий, маънавий ва руҳий кучлари фақат яратувчиликка, тараққиётга хизмат қилади; одам боласини чинакам инсон даражасига кўтариб, уни фикрлар самимийлиги, сўз ва ваъдада собитлик, амалларнинг эса эзгулиги сари йўналтиради. Бу талабларга амал қилиш, аввало, одамлар ўртасида ишончсизлик, шубҳа, гумонсираш каби иллатларга мустаҳкам тўсиқ қўяди. Зеро, ёлгонлар, алдовлар, субтсизлик сингари қусурлар аввал ҳам, ҳозир ҳам қанчадан-қанча кўнгилсизликлар, ҳатто, жиноятлар сари йўл очган. Бу салбий иллатларнинг жамият, хусусан, унинг муҳим бўғини бўлмиш оилага келтирадиган зарарини "Авесто" ўз вақтида — англаб етган, нафақат ўз жамиятини, балки келгуси давр авлодларини ҳам ундан огоҳлантириб, сабоқ чиқаришга ундаган.

"Авесто" таълимотидаги энг эзгу ва завол билмас ғоялардан бири, бу — *бахту саодатга йўғрилган фаровон оила, унинг узвий маҳсули — соғлом, маънавий баркамол фарзанд тарбиясидир*. Тарих ва сиёсат майдонида олдинги марраларда туришга азму қарор қилган эл-улус ва миллат ўз авлодлари тўғрисида доимо, изчил, давлат сиёсати даражасида ғамхўрлик қилади. Давлатимизда комил инсон тарбияси масаласи ана шу поғонага кўтарилгани тарихий меросимиздан жамиятнинг маънавий ҳаётини ислоҳ этишда самарали фойдаланилаётганидан далолатдир.

Уч минг йил илгариеқ комил инсон масаласининг кўтариллиши аждодларимиз инсон тақдирига, қолаверса, Ватан, жамият тақдирига нақадар масъулият билан ёндашганлигини кўрсатади. Унга қадар жаҳоннинг бошқа бирор ҳудудида бундай юксак маънавият концепцияси — мукамал инсон тарбияси дастури тузилмаганини ҳисобга олсак, аждодларимизнинг фаровон ва соғлом жамият яратиш йўлидаги салоҳиятига қойил қолмасдан илож йўқ,

Оила тақдири мамлакат ва давлат тақдири билан узвий боғлиқ. "Авесто" таълимотида бу жиҳат тўла инобатга олинган. Шунинг учун унда ота-она тарбияси, фарзанд тарбияси масалаларига катта аҳамият берилган. Бу масалаларни тартибга солувчи қонунлар белгилаб қўйилган. Уларнинг оила ва жамият олдидаги бурчи, масъулияти ҳам ахлоқий норма даражасига кўтарилган. Чунончи, ёш келин-куёвлар билим ва тафаккур эгаси Яздонга илтижо қилиб, ўзларига билимли, ўқимишли ва ишбилармон фарзанд ато этишни талаб, шундай мурожаат қилишган: *"Менга хонадоним, қишлоғим, шаҳру мамлакатим шухратини кўз-кўз қиладиган ўқимишли ва ишбилармон ҳамда соғлом фарзанд ато этгин"*.

Муҳими шундаки, эркак киши уйланиши ва зурриётли бўлиши учун, аввало, моддий ва маънавий томондан тўқ, жисмоний бақувват, руҳан ва жисмонан бенуқсон бўлиши талаб этилади. "Авесто" ўғитлари бўйича, бунинг учун инсон вақтида овқатланиш қоидаларига риоя қилиши, яшаб турган жойини тоза сақлаши, саранжом-сарипта ва тартибли ҳаёт кечиринишга ўрганиши лозим. Бу ҳолат инсон меҳнатида самара, ахлоқ-одобида ижобий ҳислатлар кўпайишига, имон-этиқоди мустаҳкам бўлишига гаровдир. Бошқача қилиб айтганда, оилавий бахтиёрлик манбаи "яхши кун кўриш учун даркор бўлган нарсаларнинг мўл-кўллигидир".

"Авесто"да ота-онадан, аҳли жамоадан яширинча турмуш қуриш маънавиятсизлик, дея қораланиб, жазо берилган. Оилада насл тозаллигини сақлаш ва ҳимоя қилишга қаттиқ риоя этилган, бунинг учун қоидалар системаси яратилган. Бундай фарзанднинг тарбияси бола дунёга келмасидан аввал бошланган, яъни бўлажак она кўзи ёригунга қадар ҳаяжонланмаслиги, изтиробга тушмаслиги, хунук нарсаларга назар солмаслиги, фақат

пок тийнат авлодларга олқишлар бўлсин!" мазмунидаги эзгу фикрларга дуч келамиз бу ноёб манбада.

Мазкур таълимотда комил инсонларни тарбиялашда устоз-шоғирд муносабатларининг педагогик жиҳатдан тўғри ҳал этилишига алоҳида аҳамият берилган. Устоз-роҳибларга бу жиҳатдан катта масъулият юкланиб, уларга ёшларнинг таълим-тарбияси ва тақдири ишониб топширилган. Устозларга тўғрилиқ, комиллик, билим, ноёб ҳақиқатларнинг толмас тарғиботчиси, рамзи сифатида қаралган. Жамиятда устоз-роҳибларнинг обрў-эътибори ғоятда баланд бўлган. Улар болалар ва тарбияланувчи шоғирдларга эзгулик, ҳақиқатга асосланган таълим сирларини сингдирганлар.

Агар тарбиячи-устоз, мураббийлар ўз касбларига совуққонлик билан қараб, таълим-тарбияни талаб даражасида бажара олмаётган бўлсалар, улар тезда таълим ўчоқларидан узоқлаштирилган. Масалан, "Авесто"нинг таълим-тарбияга оид яшлариди танбаллиги, укувсизлиги, билим ва малакасини такомиллаштирмаслиги оқибатида шоғирдлари зеҳнини, уларнинг мустақил фикрлаши ва тафаккурини ўтмаслаштирадиган, ҳаётга, меҳнатга муносабатини сусайтирадиган, имон-эътиқодини заифлаштириб, маънавий қашшоқлантирадиган ёмон устоз-мураббийлар қаттиқ қораланади: *"Ростини айтсам, ёмон устоз ҳаётни ғамгин қилади, жоҳилларни улуг санаб, буюк аёл ва эркакларни Яздон неъматларига эришишдан маҳрум этади. Ёмон мураббий ҳаёт чирогини сўндиради. Эй, Яздон, ёмон устоздан ўзинг асра!"*

Зардуштийлик таълимотида илм-маърифатнинг кучига қаттиқ эътиқод қилинган ва жамият ҳаётида илму ҳикмат голиб чиқади, деб ҳисобланган. "Авесто"дан юқорида келтирилган айрим далиллар ҳам шуни кўрсатадики, қадим аждодларимиз болаларнинг фақат бенуқсон

КУЗ ОЛТИНИГА АЙЛАНГАН САҲИФАЛАР

Ажабо, куз фасли ҳам яқунланди. Ҳамма бирдек, айниқса, ширинликлару ўйинчоқларга тўла сирли совгалар олишни хуш кўрувчи болажонлар ёқтирадиган сеҳрли байрам — Янги йил ҳам эшик қоқмоқда. Ёши катталар эса бундай дамда ортда қолаётган давр мобайнида нимага эришганию, қайси юмушлар ҳали мақсадлигича қолиб кетгани хусусида бош қотириб кўради.

Келинг, бир лаҳза ана шу ўйларингизни четга суриб туринг-да, сеvimли газетангиз орқали куз фаслида «Фаслнинг энг яхши ижодкорлари» деб топилган қалам аҳли билан танишинг. Эҳтимол келгуси йили уларнинг орасида бўлишдек ажойиб мақсадни янги тузилажак режангизга киритиб кўярсиз?!

Байрам арафаси, ишларингиз ҳаддан зиёд кўпайган. Ортиқча вақтингиз йўқ. Шунинг учун ҳам дарҳол голиблар билан таништиришга ўтамиз.

«Энг яхши мақола» номинациясида «Фарғона тажрибаси: мактаб иши умумхалқ ҳаракатига айланмоқда» (16.11) сарлавҳали материал тенгсиз деб топилди. Унинг ижодкорлари бўлмиш Бахтиёр Ёкубов ва Баҳодир Шокиров Фарғона вилоятидаги қатор ўқув муассасаларида бўлиб, улар мисолида мактабни энг кўркам, энг обод масканга айлантириш йўлида амалга оширилган ибратли ишлар хусусида ҳикоя қилишганди.

Мақола чоп этилганига ҳали унча кўп фурсат бўлмади, бироқ ташаббусдан ўрнак олиб, унда тилга олинган намунали ўқув даргоҳлари сафига яна ўнлаб янги ана шундай ҳавас қилса арзигулик таълим муассасалари қўшилган бўлса, ажабмас.

«Мураккаб мавзу: уни ўқитишда нималарга эътибор қаратиш лозим?» (30.10) сарлавҳали материалда 7-синф ўқув дастуридан ўрин олган кимё фанининг ўзлаштириш мураккаб «Массанинг сақланиш қонуни» мавзусидаги намунавий дарс ишланмаси эътироф этилди. Республика Таълим маркази, Табиий фанлар бўлими кимё фани методисти Г.Шоисаева қаламига мансуб ушбу материал «Оригинал бир соатлик дарс» номинациясига лойиқ топилди.

Саҳифада таҳририятга келган ихчам, ғоявий пишиқ, ўқувчини мулоҳазага чорловчи, долзарб масалалар акс этган мактублар сараланган (уларни Хулкар Тўйманова саралаган) «Ma'rifat'га мактублар» (24.11) умумсарлавҳаси остида чоп этилган хатлар саҳифаси мавсумдаги «Сермазмун саҳифа» деб белгиланди.

Республикамизда алоҳида ўрин тутган Навоий вилоятида Сармишсой табиий-археологик мажмуа музей-кўриқхонаси ҳақида сўз борган Ойбуви Очилованинг «Очик осмон остидаги китоб...» (20.10) эссеси фаслнинг «Энг яхши очерк ёки эссе»си дея эътироф этилди.

ТДИУ қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби математика ўқитувчиси Мирфозил Мирзааҳмедовнинг «Математика ва геометрия таълими» (3.11) мақоласи ортда қолган мавсумнинг «Педагог-муаллифнинг долзарб материали» номинациясида зафар кучди. Мазкур материалда педагогнинг дарс ўтиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган дарс таҳлили ҳақида фикр-мулоҳазалар берилганди.

Шерали Нишон «Фарзандларимизга от минишни ўргатайлик» (23.10) сарлавҳали суҳбатда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Чавандоз» бадиий фильми бош роль ижросици Боир Холмирзаев билан дилдан гурунглашганди. Мазкур суҳбат куздаги «Қизиқарли интервью, суҳбат» номинациясида тенгсиз деб баҳоланди. Унда таниқли актёр қадимий спорт турларидан бири бўлмиш — чавандозлик, унинг фарзанд тарбиясидаги ўрни хусусида атрофлича тўхталиб ўтган.

«Жозибали сурат» номинациясида голиб номини

аниқлаш биров қийин кечди. Боиси куз фаслида ҳам биридан ажойиб фотолар газетамиз саҳифаларини безади. Бироқ ўз ижодий ишлари туфайли кузнинг ҳақиқий тароватидан «бир шингил» бўлса ҳам кадр «узолган» Н.Боймуродова ҳамда Ё.Шамсиддинов «Жозибали сурат» номинациясида голиб бўлишди. Шундай экан, «Куз — янги тонгдан нишона!» (3.11) сарлавҳали қатра билан бирга чоп этилган суратларни яна бир қарра томоша қилишингиз мумкин.

«Самарали методик материал» номинациясида голибаси деб Тошкент шаҳридаги

лиш билан банд эди...». Феруза Холмуродованинг «Бола тарбияси: унда савдо маданияти ва оила ибратининг ўрни муҳим» (15.09) сарлавҳали мақоласи худди шундай бошланади. Унда кўтарилган долзарб масала муштарийларимизнинг ёдида қолган бўлса керак. Мазкур мақола мавсумдаги «Тарбияга оид амалий тақлиф» номинациясида голиби бўлди.

Иқтидорли ёш ижодкор Бобур Наби айни вақтда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида таҳсил олади. Унинг «Бир умрлик рағбат» ҳикояси (09.10) куз фаслидаги «Ўқишли бадиий асар» номинациясига лойиқ топилди.

СамДУ умумий ва магнит ҳодисалари физикаси кафедраси мудири, профессор Облоқул Қувондиқов ҳамда СамДУ физика факультети қаттиқ жисмлар физикаси кафедраси доценти Эшқувват Арзиқулов ҳамкорлигида ёзилган «Графен: физика фани янги кашфиётлар остонасида» (03.11) сарлавҳали мақола «Воқеликка муносиб шарҳ» номинациясида голиб бўлди.

Бугунги матбуотнинг энг ёрқин характери тезкор ахборот тарқатиш бўлса, иккинчиси уларнинг нечоғлик янгилик эканлиги билан белгиланади. Ўтган мавсумнинг «Ўзига хос янгилик»и сифатида Феруза Тан-

гриберганованинг «Кашфиёт...» (09.10) сарлавҳали мақоласи тан олинди. Унда муаллиф Урганч давлат университети ўқитувчиси Озод Раҳимов ҳамда унинг шоғирдлари томонидан амалга оширилаётган янги кашфиётларга омил бўлувчи тажрибалар хусусида ҳикоя қилганди.

Ўқиш бошланиши билан газетамиз таҳририяти талабалар билан гавжум бўлиб кетади. Улар томонидан тақдим этилувчи ранг-баранг мавзудаги мақолалар навбатма-навбат саҳифаларимиздан ўрин олади. «Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши» номинацияси ҳам иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган. Унинг бу галги голиби дея «Кийимга қараб муомалами?» (10.11) сарлавҳали мақола муаллифи, ЎзДЖТУ талабаси Соҳиба Мамадиёрова топилди.

«Ҳозиржавоб муштарий» (Акс садо) номинациясида голиби, табиийки, газетамизнинг ўқувчилар билан ўрнатган ўзига хос интерактивлигига асосланиб аниқланади. ЎзРФА Электроника институти катта илмий ходими З.Исахоновнинг профессор О.Қувондиқов мақоласига ёзган «Спинтроника — эътиборталаб соҳа» (20.11) сарлавҳали акс садоси юқоридаги номинацияга муносиб кўрилди.

Ниҳоят, куз фаслида турли тадбирларда иштирок этиб, халқимиз турмушидаги қайноқ жараёнлар билан бевосита танишгач, ёзилган «Дўстлик, ҳамкорлик, ижодкорлик — мақсадимиз!» (24.11) сарлавҳали материал мавсумдаги «Энг яхши репортаж» бўлди. Сора Тошева қаламига мансуб бу мақолада Бухорода ўтказилган «Талабалар фестивали-2010» батафсил ёритилганди.

ТАҲРИРИЯТ.

Faslning eng yaxshi ijodkorlari tanlovi



28-мактабнинг 1-тоифали кимё фани ўқитувчиси Саида Низомова топилди. Унинг кимё фанини чуқур ўқитиш бўйича изланишлари маҳсули бўлмиш «Самарали педагогик усуллар...» (10.11) сарлавҳали материалда ноанъанавий педагогик усуллардан қандай фойдаланиш юзасидан фойдали методик тавсиялар берилганди.

«Эрталаб юмуш билан кўчага чикдим. Кўп қаватли уйлarning пастки йўл четини доимий «савдо нуқтаси»га айлантириб олган пистачи амаки ўз маҳсулотларини тартибга со-

мана, йил бўйи қилинган амалларнинг ҳосили кўтариладиган тўкин-сочин куз фаслида жўшиб ижод қилган голиб муаллифларни ҳам билиб олдингиз. Қолаверса, уларнинг материаллари билан яна бир қарра, қисқача бўлса-да танишиб чиқдингиз. Эҳтимол юқорида асарлари зикр этилган муаллифларни Сиз ҳам олдинроқ ўзингизча бирор номинация бўйича голиб деб топгандирсиз?! Ундай бўлса, фикримиз бир жойдан чиққан ва танловимиз адолатли, деб ҳисобласак бўлади. Келаётган Янги йилда Сиз ҳам гайрат қилинг, қалам тебратинг. Зеро, «Фаслнинг энг яхши ижодкорлари»ни аниқловчи анъанавий танлов давом этади.

ҚАЛЪ ГАВҲАРИ, КҮНГИЛ ЧИРОҒИ

Юксак технологиялар асрида яшаймиз. Бирор техника воситаси кириб бормаган хонадонни учратиш қийин. Инсон тафаккури маҳсули сифатида яратилаётган техник воситалар узоғимизни яқин, оғиримизни енгил, мушкуллимизни осон қилаётгани рост. Биргина интернетни оладиган бўлсак, у орқали қанчадан-қанча масалалар ҳал этилади. Бу эса биз учун сеvimли ва қадрдон бўлиб қолган, кўнгил бўстониининг сара гулига айланган китобларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини бирмунча сусайтираётгандек, назаримда.

«Кishi учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб

фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам китоб ақл қалъасидир», деган экан донишмандлардан бири.

Модомики, китобнинг шунча афзалликлари, фазилатлари бор экан, нега уни кимнингдир даъвати билан

ўқишимиз керак? Нега ўзгалар панднасихатини, тавсиясини кутиб туришимиз лозим?

Биз доимо урғу бериб таъкидлайдиган «китобхонлик», «китоб ўқиш» сингари тушунчаларни, аввало, ўзимизда шакллантиришимиз зарур. «Кўш уясида кўрганини қилади», деган нақл бежиз айтилмаган. Агар ўзимиз китоб мутолаа қилмасак, маънавий оламини бойитувчи теран мушоҳадалар, кенг дунёқараш, тиниқ фикрлаш қобилиятига эга бўлмасак, фарзандлардан китобга эътиборни талаб қилишга ҳаққимиз йўқ.

Бинобарин, қўлимизда китоб

кўрган фарзандимиз лоақал бир марта бўлсин, уни варақлаб кўришни истайди. Китобга меҳр шу зайлда уйғонади...

Кундалик турмушимизда доимий бажариладиган амаллар, яъни ебичиш, юриш-туриш, кийиниш орқали жисмимизни парвариш қиламиз. Китоб ўқиш орқали эса маънавий дунёимиз бойийди, руҳимиз озикланади. Шундай экан, таом тановвул қилишни унутмаганимиз каби, китоб ўқиш эҳтиёжини ҳам ҳар он, ҳар дақиқада ҳис этишимиз керак.

Шаҳноза ХҲЖАЕВА,
Самарқанд шаҳридаги
34-мактаб ўқитувчиси

Mulohaza

ҚАЙТА НАШР БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Тендер тартиб рақами: 1/MRT-2011.

Тендер номи: дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни қайта нашр этиш юзасидан тендер савдолари.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: Тошкент шаҳар 100159, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: давлат бюджети ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш учун нашриётлар таклиф этилади.

Тендер савдоларида қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки манқадотлик босқичида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганига олти ой мuddатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганлиги учун судга тортил-

маган, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни тўла бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашчи буюртмачига шартномани бажариш имконияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларнинг оригинал макетига бўлган ҳуқуқ Буюртмачи ва Нашриётлар ўртасидаги шартномага мувофиқ Буюртмачига берилган.

Қайта нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар ва уларнинг адади қуйидаги жадвалда берилган:

Лот рақами	Дарсликлар номи	Таълим тили	Синф	Адади	25	Жисмоний тарбия	Ўзбек	1	408615	51	Немис тили	Барча тиллар учун ягона	5	70 111
1.	Алифбе	ўзбек	1	408615			рус	1	49 371	52	Француз тили	Барча тиллар учун ягона	5	45 386
2.	Букварь	рус	1	49371			қорақалпоқ	1	9 866	53	Инглиз тили	Барча тиллар учун ягона	5	349 479
3.	Алифбе	қозоқ	1	5864			қозоқ	1	5 864					
4.	Алифбе	қирғиз	1	865			тожик	1	8 051					
5.	Алифбе	тожик	1	8051	26	Ўқиш китоби	қирғиз	1	865					
6.	Алифбе	туркман	1	861			туркман	1	861					
7.	Ўзув дафтари	ўзбек	1	408615	27	Книга для чтения	ўзбек	4	403 652	54	Ботаника	ўзбек	5	415 173
8.	Пропись	рус	1	49371			рус	4	43 236			рус	5	40 925
9.	Ўзув дафтари	қозоқ	1	5864	28	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	қозоқ	4	9 486			қорақалпоқ	5	9 868
10.	Ўзув дафтари	қирғиз	1	865			қозоқ	4	6 357			қозоқ	5	6 781
11.	Ўзув дафтари	тожик	1	8051	29	Ўқиш китоби (Oqu kitabi)	қирғиз	4	921			тожик	5	7 819
12.	Ўзув дафтари	туркман	1	861			тожик	4	7 729			қирғиз	5	958
13.	Она тили	ўзбек	1	408615	30	Ўқиш китоби (Окуу китеби)	туркман	4	867			туркман	5	909
14.	Русский язык	рус	1	49371	31	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	ўзбек	4	403 652	55	Табиий география бошланғич курси	ўзбек	5	415 173
15.	Она тили (Ana tili)	қорақалпоқ	1	9866			рус	4	43 236			рус	5	40 925
16.	Ўқиш китоби (Oqiw kitabi)	қорақалпоқ	1	9866	32	Ўқиш китоби (Okuw kitabu)	қозоқ	4	6 357			қорақалпоқ	5	9 868
17.	Ўқиш китоби	ўзбек	1	408615	33	Она тили	қирғиз	4	921			қозоқ	5	6 781
18.	Книга для чтения	рус	1	49 371	34	Русский язык	тожик	4	7 729	56	Ватан туйғуси	тожик	5	7 819
		ўзбек	1	408615	35	Она тили (Ana tili)	қирғиз	4	921			қирғиз	5	958
		рус	1	49 371	36	Она тили (Ana tili)	туркман	4	867			туркман	5	909
19	Математика	қорақалпоқ	1	9 866	37	Она тили (Эне тили)	ўзбек	4	403 652	57	Чувство родины	рус тилида	5	40 925
		қозоқ	1	5 864	38	Она тили (Забони модари)	рус	4	43 236			ўзбек	6	437 030
		тожик	1	8 051	39	Она тили (Ene dili)	қозоқ	4	6 357			қорақалпоқ	6	10 597
		қирғиз	1	865	40	Ўзбек тили	қирғиз	4	921			қозоқ	6	7 256
		туркман	1	861			тожик	4	7 729			тожик	6	8 176
20	Математика дафтари	ўзбек	1	408615	41	Жисмоний тарбия	туркман	4	867	58	Ватан туйғуси	қирғиз	6	958
		рус	1	49 371			рус	4	403 652			туркман	6	914
		қорақалпоқ	1	9 866	42	Мусиқа	рус ва қардош тилларда	4	68 596	59	Чувство родины	рус тилида	6	35 261
		қозоқ	1	5 864			ўзбек	4	403 652	60	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	ўзбек	7	453 900
		тожик	1	8 051			рус	4	43 236			қорақалпоқ	7	10 722
		қирғиз	1	865			қорақалпоқ	4	9 486			қозоқ	7	7 249
		туркман	1	861			қозоқ	4	6 357			тожик	7	8 128
21	Атрофимиздаги олам	қорақалпоқ	1	9 866	43	Азбука этики	тожик	4	7 729	61	Идея национальной независимости и основы духовности	рус тилида	7	31 555
		қозоқ	1	5 864			қирғиз	4	921			ўзбек	8	484 726
		тожик	1	8 051			туркман	4	867			қорақалпоқ	8	10 613
		қирғиз	1	865			ўзбек	4	403 652			қозоқ	8	7 219
		туркман	1	861			рус	4	43 236			тожик	8	8 505
22	Азбука этики.	ўзбек	1	408615	44	Она тили	қозоқ	4	6 357	62	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	қирғиз	8	1 122
		рус	1	49 371			тожик	4	7 729			туркман	8	934
		қорақалпоқ	1	9 866	45	Русский язык	туркман	4	867	63	Идея национальной независимости и основы духовности	рус тилида	8	31 710
		қозоқ	1	5 864			рус	4	43 236			ўзбек	9	509 847
		тожик	1	8 051			ўзбек	5	415 173			қорақалпоқ	9	10 838
		қирғиз	1	865			рус	5	40 925			қозоқ	9	7 558
		туркман	1	861			қорақалпоқ	5	9 868			тожик	9	9 035
23	Мусиқа	ўзбек	1	408615	46	Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili)	ўзбек	5	415 173	64	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	қирғиз	9	1 123
		рус	1	49 371			ўзбек	5	415 173			туркман	9	925
		қорақалпоқ	1	9 866	47	Адабиёт (1-қисм)	рус	5	40 925	65	Идея национальной независимости и основы духовности	рус тилида	9	29 364
		қозоқ	1	5 864			қорақалпоқ	5	9 868					
		тожик	1	8 051	48	Адабиёт (2-қисм)	ўзбек	5	415 173					
		қирғиз	1	865	49	Литература	рус	5	40 925					
		туркман	1	861	50	Адабиёт (Adebiyat)	қорақалпоқ	5	9 868					

Мазкур дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларнинг бошланғич қиймати тўғрисидаги маълумотлар талабгорларга Тендер ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Тендер ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус №20203000100101044002 (АТИБ ИПОТЕКА Банкинг Мехнат филиали, МФО:00423, СТИР 201122808) ҳисоб рақамига 3 000 000 (уч миллион) сўм ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун қатнашчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини бил-

дирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар 2010 йил 20 декабрдан бошлаб ҳар куни (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача тендер савдоларига тегишли қўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Дарсликлар ва ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш" бўлиmidан (манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 319-хона, телефон (+99871) 239-40-83, факс (+99871) 239-40-81 олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар таклифнинг умумий қийматининг икки фоизидан кам бўлмаган закат суммаси билан бирга 2011 йилнинг 18 январь куни соат 14:00

га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Шу вақтдан кечиккан таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифлари 2010 йил 18 январь куни соат 15:00 да Республика таълим марказида (манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси 174-уй.) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Тендер комиссияси Тендер ҳужжатининг 1 боб 6-бандида белгиланган тартибда Тендер ҳужжатларига қўшимчалар киритиш орқали таклифлар топширишнинг охириги мuddатини узайтириши мумкин. Шундай ҳолатда барча қатнашчиларнинг ҳуқуқлари ўзгарган мuddатга мутаносиб равишда ўзгаради.

Буюртмачи қатнашчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ИМКОНИАТЛАРИ

Бугунги кунда таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг иши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Компьютер қаршисида ўтириб ишлаётган ўқитувчию ўқувчилар замонавий ахборот технологияларининг қулайликлари ва афзалликларидан фойдаланишади-да. Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ахборот-ресурс марказида ўқитувчилар учун Интернетнинг таълим йўналишидаги барча сайтларига кириш бепул.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси қошидаги масофали ўқитиш маркази ходимлари билан Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг айнан шу

Qaror va ijro

Йўналишда уюштирган мулоқоти тажриба алмашишда муҳим қадам бўлди. Бу жамғармада тўпланган тажрибанинг институтга, институтда ҳосил қилинган тажрибанинг эса жамғармада қўлланилишига замин ҳозирлайди. Институтда 2008 йилдан буён тингловчилар учун масофали ўқитиш тизими йўлга қўйилган. Агар дастлабки йилда 46 нафар педагог малака ошириш жараёнида масофали таълим имкониятларидан фойдаланган бўлса, 2009 йили бу рақам 108 нафарга етди. Жорий йилда эса 247 киши Интернет тармоғига уланиб, ўз билим доирасини кенгайтиришга муваффақ бўлди.

— Институт ахборот-ресурс марказида амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил июнь ойида эълон қилинган ПҚ-381-сонли «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига ҳамоҳангдир. Марказ ихтиёрида жами 100дан зиёд компьютер бўлиб, институт тингловчилари ихтиёрига берилган. Масофали ўқитиш тизими имкониятларидан фойдаланмоқчи бўлган педагогнинг, аввало, компьютер техникасини аъло даражада билиши, ўз фанига оид янгилардан бохабарлиги синаб кўрилар экан. Бу эса марказга қўйилган компьютер технологияларидан кўпчиликнинг тез, унумли фойдаланиши учун шарт-шароит туғдиради, — дея ўз таассуротларини умумлаштиради жамғарма ходими А.Абдуқодиров.

Таълим ходимлари — педагог ва мураббийлар, мактаб раҳбарлари, методистлар, тадқиқотчиларнинг ўз фанларига оид энг сўнгги янгилардан бохабар бўлишини давр тақозо этмоқда. Масофали таълим жараёнини йўлга қўйган даргоҳларнинг ўзаро тажриба алмашиши шу жиҳатдан янада муҳимдир. Жамғарма ходимларининг АРМ мутахассисларига масофали ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан берган тавсиялари янги муваффақиятлар омили бўлади. Жамғарма томонидан «Таълимда инновацион технологиялар», «Тарбияда инновацион технологиялар», «Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти» китоблари институтга совға қилинди.

Х.КУЗМЕТОВА

МУАЛЛИМ ЎГИТЛАРИ

Инсоннинг гўзаллиги муомала маданиятидан. Ширинсухан ўқитувчи доимо ўқувчилар кўршо-вида бўлишининг сирини шунда.

Кўпйиллик ўсимликнинг мева беришига маълум муддат талаб қилинишида ҳосилнинг унданда узоқ йилларга татиши ҳикмати бор. Тинимсиз изланиш — ўқувчи камоли кафолати. Бунда ўқитувчи кўпйиллик машаққатли меҳнати мужасам. Унинг меваси эса боқийликка дахлдор.

Ўқувчининг иқтидорсизлиги бўлмайди. Уни кашф этиш ва такомиллаштириш эса ота-она, муаллим ва жамоатчилик эътиборидан қувватланади.

Ўқитувчилик касбида чуқур билим билан бир қаторида ўзига хос лаёқат ҳам зарурлиги — аксиома. Шу боис мазкур мутахассисликка қизиқишни учкун олган даврданоқ алангалатишга ҳаракат қилиш истиқболни кафолатлайди.

Асқар СУЛАЙМОНОВ,
фахрий ўқитувчи

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

2011 ЙИЛ УЧУН СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИ-ИЗЛАНУВЧИЛИК
ВА КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИЛИККА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта-илмий ходим изланувчиликка:

1. 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи (1)
2. 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (1)

Стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликка:

1. 01.04.02 — Назарий физика (1)
2. 07.00.02 — Ўзбекистон тарихи (2)
3. 09.00.01 — Онтология ва билиш назарияси (2)
4. 10.01.02 — Ҳозирги миллий адабиёт (1)
5. 10.01.03 — Миллий адабиёт тарихи (ўзбек адабиёти) (1)
6. 10.02.02 — Ўзбек тили (1)
7. 10.02.04 — Герман тиллари (2)
8. 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи (3)
9. 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (6)
10. 13.00.03 — Махсус педагогика (1)
11. 19.00.01 — Умумий психология, шахс психологияси, психология тарихи (4)
12. 22.00.06 — Маданият, маориф ва фан социологияси (1)
13. 23.00.01 — Сиёсий фан назарияси ва тарихи (1)
14. 23.00.03 — Сиёсий маданият ва мафкура (1)

Мақсадли стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликка:

- 10.02.01 — Ўзбек тили (1) (Қўқон ДПИ учун)
- 10.02.01 — Герман тиллари (1) (Нукус ДПИ учун)
- 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (фан тармоқлари ва таълим соҳалари бўйича) — (5), хусусан: (АнДУ учун — (2), ҚДПИ учун — (1), Нукус ДПИ учун — (1), ТАТУнинг УрДУ филиали учун — (1))

Мақсадли катта-илмий ходим изланувчиликка:

1. 19.00.01 — Умумий психология, шахс психологияси, психология тарихи (1) (ҚҚР ПКҚТМОИ учун (1))

Стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликка олий маълумотли мутахассис дипломига ёки магистр даражасига эга бўлган, илмий изланиш олиб бориш қобилиятини намоён эта олган шахслар, катта илмий ходим-изланувчиликка эса докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, илмий тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли, фан помзоди илмий даражасига эга бўлган, истеъдодли шахслар қабул қилинади.

Стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликка кириш учун танловда қатнашишга қўйидаги ҳужжатлар топширилади: ректор номига ариза, ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, илмий ишлари рўйхати (илмий ишлари бўлмаган талабгорлар 20 бетдан кам бўлмаган илмий маъруза (реферат) тақдим этадилар, илмий маърузага соҳа бўйича мутахассиснинг тақризи илова қилинади), стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликка бевосита ОТМни тугатгандан кейин ҳужжат топшираётган шахслар (магистратура талабалари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиатлари, имтиёзли диплом эгалари, ОТМ Илмий кенгаши тавсияси мавжуд даъвогарлар) учун ОТМ Илмий кенгаши мажлисининг баёнидан кўчирма, олий таълимнинг барча босқичини ўтганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибдаги тасдиқланган нусхаси (ишлаётганлар учун), тиббий маълумотнома (086 шаклда), 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Кўшимча маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Фан ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига (255-50-95) (манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Юсуф хос Хожиб кўчаси, 103-уй) мурожаат этишлари мумкин. Ҳужжатлар 2010 йил 16 декабрдан қабул қилинади.



18-dekabr — Qatar davlatining milliy kuni

Мамлакатимиз мустақиллигини араб давлатлари орасида биринчилардан бўлиб тан олган ва ўзаро дўстона муносабатларини ўрнатган Қатар давлати шу кунларда ўз миллий кунини кенг нишонламоқда. Ушбу мамлакат қадим цивилизация ўчоқларидан бири, айна пайтда ҳам унинг ҳар жабҳада қузатилаётган тараққиёти эътиборга молик. Негаки, Қатар иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, тиббиёт, sanoat соҳалари, шунингдек, таълим тизимидаги юқори кўрсаткичлари билан дунёда етакчи мамлакатлар сирасига қиради.

Давлат Форс (Араб) кўрфазининг ғарбий соҳилида жойлашган ярим-орол бўлиб, қуруқликда Саудия Арабистони билан туташса, сув орқали Бирлашган Араб Амирликлари ва Баҳрайн билан чегарадош. Баъзи манбаларда ўтмишда серёмғир бўлган бу юрт номи «ёмғир томчилари» маъносини англатувчи «қатар» сўзидан олинган, бошқа манбаларда эса у ўтмишдаги машҳур шоир Қатарий бин ал-Фужъа номи билан боғлиқ, дейилади.

Манбаларда келтирилишича, мамлакатнинг умумий майдони 11,521 квадрат километрдан иборат. Аҳолиси тахминан 1 миллион 700 мингдан ортиқ. Қатар маъмурий жиҳатдан 10 муниципалитет(арабча баладият)га бўлинади. Ер юзаси чўл ландшафт текисликлардан иборат. Иқлими қуруқ ва тропик бўлган бу мамлакатнинг ёзи иссиқ, қиши илик. Пойтахт — Доҳадан ташқари, ал-Вакра, ал-Хор, Духхан, аш-Шимол ва Масъид мамлакатнинг нисбатан йирик шаҳарлари ҳисобланади. Давлат тили араб тили бўлиб, инглиз тили ҳам кенг қўлланилади.

Мамлакатнинг турли ерларида олиб борилган археологик қазилмалар мазкур заминда инсон милоддан аввалги IV мингйилликдан бери ҳаёт кечириб келаётганини кўрсатади. Қатарнинг нисбатан янги тарихига келсак, у XIX асрдан бери Ол Соний оила вакиллари бошқариб келаётган ва ўз мустақиллигини 1971 йилда қўлга киритган мустақил суверен давлатдир. Қатар ислом давлатида 18 декабрь янги мамлакат асосчиси — шайх Жосим бин Муҳаммад бин Соний 1878 йили ҳокимият тепасига келган кун бўлиб, ҳар йили миллий кун сифатида байрам қилинади. Ҳозирги амир Шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний ушбу оиладан чиққан саккизинчи раҳбардир. У 1995 йили ҳокимият тепасига келганидан сўнг барча жабҳаларда, айниқса, сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг янги даврини бошлаб берган, Европа Иттифоқига аъзо ҳамда океанорти давлатлар билан алоқалар мустаҳкамланган.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, Қатар — дунёнинг йирик молиявий марказларидан ҳисобланади. Иқтисодиёти асосан нефть, табиий газ ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ sanoat соҳаларидан унумли фойдаланишга таянади. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида мамлакатнинг Шимол минтақасида дунёдаги энг катта газ кони топилган, Қатар табиий газ захиралари бўйича дунёда 2-ўринга кўтарилди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда нефть ва газ тармоқлари билан бир қаторда қурилиш, молия, кўчмас

«ЁМҒИР ТОМЧИЛАРИ» МАМЛАКАТИ ТАЪЛИМИ

мулк каби соҳаларда ҳам сезиларли ўсишга эришилди.

Қатар иқтисодиёти дунёда жадал ривожланаётган бўлиб, сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) бўйича энг юқори натижага эришилди. Жаҳон валюта фондининг 2008 йилдаги ахборотномасида келтирилишича, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача йиллик даромад бўйича дунёда энг юқори ўринлардан бирини эгаллаган.

Қатар ҳукумати мактабларни дарсликлар, ўқув-ёзув анжомлари билан бепул таъминлаш орқали қўллаб-қув-

нинг энг мақбул андозаларини тақдим этишдан иборат. Шу мақсадда Қатар ҳукумати 2008 йилда умумий сарф-харажатларининг 21 фоизи, яъни ЯИМнинг 3,3 фоизини таълим соҳасига ажратган.

Мамлакатда олий таълим соҳасига 1973 йили Қатар давлат университетида икки педагогика факультетини очиш орқали асос солинган эди. Бугун университет таркибида 7 факультет бўлиб, улар педагогика, гуманитар фанлар, аниқ фанлар, шариат ва ислом тадқиқоти, муҳандислик, менежмент ва иқтисодиёт ҳамда технология

(АҚШ) филиаллари ҳам бор. «Таълим шаҳарчаси» нафақат Қатар, балки бутун Форс кўрфазининг энг нуфузли илм-фан ва таълим маркази сифатида эътироф этилган.

Шаҳарчадаги университетларда таҳсил оладиган талабаларнинг ярмидан кўпини қатарликлар, қолганини АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Франция, Ливан, Сурия, Иордания, Фаластин, Миср, Ҳиндистон, Эрон, Туркиядан келган ёшлар ташкил этади. Шунингдек, Қатарда илмий тадқиқот ишларини рағбатлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Буни 2006 йили «Илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш Қатар жамғармаси» тузилганида ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатда спортни оммалаштиришга ҳам катта эътибор қаратилади. Буни 2022 йили ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига айнан Қатар мезбон этиб танланганидан ҳам билиб олиш мумкин.

Таълим тизимига катта эътибор қаратилаётган мамлакатимиз ва Қатар давлати ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг изчил ривожланишида Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний таклифига биноан жорий йилнинг 23-24 ноябрь кунлари амалга оширган расмий ташрифи алоҳида ўрин тутаяди, десак муболаға бўлмайди.

Давлат раҳбарлари ташриф доирасидаги музокарада икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, жумладан, транспорт коммуникациялари соҳаси, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва таълим тизимини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари сафар давомида Доҳадаги «Таълим шаҳарчаси» — замонавий илм-фан ва таълим мажмуасига ҳам ташриф буюрди.

Таъкидланишича, бу ташриф икки давлат тарихидаги олий даражадаги илк учрашув бўлиб, мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асос ва улкан имкониятлар яратди.

Бахтиёр ИБРОХИМОВ



ватлаб келади. Давлатда ўғил ва қиз болаларга тенг имконият яратишга асосланган таълим тизимини тараққий эттириш бўйича кенг қамровли сиёсат олиб борилмоқда. 2002 йили ана шу ҳаракатлар учун масъул олий орган Таълим бўйича олий кенгаш тузилган. 2009 йили «Қатарнинг 2030 йилгача тараққиёт дастури»ни амалга ошириш чора-тадбирлари доирасида Таълим бўйича Олий кенгаш ишини тартибга солишга қаратилган Амир фармони эълон қилинди.

Қатар ҳукумати томонидан илгари сурилган ва мамлакатда умумий таъ-


лимни янада ривож-

лантиришга қаратилган «Янги давр таълимини эгаллайлик!» шiori ostidagi tashabbus hozirda keng quloqch yozmoqda. Ундан кўзланган мақсад ёшларни иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жараёнлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган тарзда тайёрлаш учун уларга ўқиш-

факультетларидир.

Қатар университетини ривожлантириш мақсадига талабаларга бериладиган илмий мутахассисликлар кўлами ҳам кенгайди. Мавжуд ихтисосликлар қаторига маркетинг, давлат ишлари ва кимёгарлик, меъморчилик, фармацевтика, журналистика, электрон техника ва экология соҳалари қўшилди. Магистратура босқичида ҳам қатор ихтисосликлар очилмоқда.


Эътиборлиси, 1995 йили Қатарда бир неча университет ва илмий марказларни ўз ичига олган «Таълим шаҳарчаси» — замонавий илм-фан ва таълим мажмуаси барпо этилган. Бир неча университет ва илмий марказларни ўз ичига олган ушбу мажмуа 100 гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Таъкидлаш жоизки, бу ерда дунёдаги кўплаб йирик университетларнинг филиаллари жойлашган. Улар орасида Жоржтаун ва Виржиния университетларининг



ДНК КИМГА ТЕГИШЛИ?

АҚШнинг миллий аэрокосмик агентлиги хабарига кўра, Калифорниядаги Мони кўлидан топилган ДНК таркибидagi фанга номаълум бактерия Ерда яшовчи ҳеч бир жонзотда учрамаган.

«Интерфакс» хабарига кўра, агентликнинг астробиология бўйича мутахассиси Фелиса Вольф-Саймон мана шу ҳолатни тадқиқ қилган. Бу ҳақда у НАСА штаб-квартираси матбуот анжуманидаги чиқишида алоҳида тўхталиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, сайёраимизда яшовчи ҳар қандай жонзот ўзида олти кимёвий элементни мужассамлаштирган бўлиб, булар углерод, водород, азот, кислород, фосфор ва олтингурутдир.



Топилган ДНК таркибидagi бактерияда эса, фосфор билан бирга маргимуш ҳам бўлган. Шу кунгача бундай ҳолат бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобланган. Вольф-Саймоннинг таъкидлашича, мана шу топилма истисно ҳолатни тушуниш ва Ерда тирикликнинг пайдо бўлишини қайта тадқиқ қилиш учун катта ёрдам беради. Ҳатто у бошқа сайёралардаги ҳаёт тўғрисида аниқроқ тасаввур пайдо бўлишига тўртки бўлиши мумкин.



бунлай муздан ташкил топган деган, фикр ҳам йўқ эмас. — Биз дастлаб кислородни йўлдош атмосферасининг бошқа қисмларида аниқлаган эдик, — деди Малларда шахридаги илмий-космик лаборатория тадқиқотчиси Эндрю Коатс.

— Энди Куёш системасининг бошқа қисмларида ва ҳатто бутун Коинотда ҳам кислород мавжудлиги, ҳатто етарли даражада тарқалган бўлиши мумкин, деган қарашлар пайдо бўлмоқда, — деди Сан-Антонио(Техас)даги Жануби-ғарбий тадқиқот институти мутахассиси Бен Теолис. — Бу ҳаёт юзага келиши учун шароит бўлиши ҳам мумкин. Аммо «Кассини»дан олинган барча маълумотлар шуни кўрсатдики, Рея жуда совуқ ва у ерда суюқ ҳолатдаги сув йўқ.

Бу эса кислород бор, демак, ҳаёт бўлиши мумкин, деган қарашларни йўққа чиқаради. Реянинг атмосфераси Сатурн йўлдошлари ичида такрорланмасдир. Рея ва Титан Сатурннинг энг йирик ҳажмга эга йўлдошлари. Бироқ Титан атмосфераси жуда катта миқдордаги азот ва метандан ташкил топган, шунингдек, кичик миқдорда карбонат гази, ва кислородга эга. Реянинг ҳар бир куб метрида эса 50 миллиард атрофида кислород ва 20 миллиард углекислота гази молекулалари бор. Бу жиҳатдан Титан Реяга тенглаша олмайди.

«АҚЛИ» ЧУМОЛИЛАР


Сидней университети олимлари ноодатий тадқиқот ўтказди. Қизиқарли жиҳати шундаки, тадқиқот жараёнида чумолиларга топшириқ берилди. Унга кўра, кумурсқалар махсус лабиринтнинг бир нуқтасидан иккинчисигача ҳаракатланиши — бир соат вақт мобайнида қисқа йўлни топиши керак эди. Ўтиш мумкин бўлган йўллар сони эса 32 768тани ташкил этган, дейилади «Риан.ру» электрон саҳифасида.

Бир қарашда, чумолилар математик масалаларни ечиши ғайритабiiй туюлади. Олимлар эса изланиш орқали ушбу митти жонзотлар мураккаб математик мисолларни ҳам еча олишни исботлашди. Уларнинг айтишича, чумолиларнинг бу хислати табиат қийинчиликларига бардош бериши белгиси ҳамдир.

Шунингдек, Упсала университети профессори Давид Шутлер билан биология фанлари мактаби профессорлари Крис Рейд ва Маделин Бликс ҳамкорлигида бошқотирма асосидаги математик масала — «Ханой минораси»ни еча олиши устида ҳам тадқиқот олиб боришган эди. Бундай синовлардан кумурсқаларнинг муваффақиятли ўтиши сабаби сифатида уларнинг озуқа топиш мақсадида инидан узоқ масофаларга сафар қилиши кўрсатилмоқда.

Ҳашаротлар хулқ-атвори ва генетикаси лабораторияси ходими Крис Риднинг таъкидлашича, олиб бурилган тадқиқот реал ҳаётда учрамайдиган ҳодисалардан иборат. Аммо муаммоли вазиятларда чумолиларнинг анча чидамли ва ақли бўлиши бор гап.

С.ЖУМАНОВА ва А.УБАЙДУЛЛАЕВ тайёрладилар.




САТУРН ЙЎЛДОШИДА КИСЛОРОД АНИҚЛАНДИ

«Кассини» номли сайёраларо автоматик станция Сатурннинг йўлдоши Рея атмосферасидан кислород топган. Космик кема йўлдош юзасига жуда яқин бориб, атмосферадан намуна олди. Илк натижалар эса жорий йилнинг март ойида «Кассини» йўлдош юзасидан 97 км. баландликда учганида олинган эди. Бу ҳақда «Сайнс» илмий нашрида хабар қилинган.

Бунгача «Хаббл» космик кемаси томонидан узатилган маълумотларга таяниб, сайёра ва унинг йўлдошларида кислороднинг мавжудлиги тахмин қилинган, аммо ҳали етарли даражада аниқ маълумотлар йўқлиги бирор-бир фикр айтишга тўсқинлик қилиб турганди. «Кассини»нинг асбоб-ускуналари эса ҳаддан ташқари ингичка қатламларни ҳам тадқиқ қилишга имкон яратди. Натижада йўлдош юзасида кислород билан бирга углекислота (карбонат кислота) гази ҳам борлиги аниқланди.

Астрономлар берган маълумотларга кўра, Сатурннинг 32та йўлдоши бор. Рея улар ичида ҳажми катталиги бўйича иккинчи ўринда туради ва ўртача диаметри 1500 км.ни ташкил этади. Ҳатто у



ТОШКЕНТ ШАҲАР ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедрасига:
Профессор — 2 (тарих-1, иқтисод-1)
Доцент — 3 (тарих-1, миллий ғоя-1, география-1)
2. Педагогика, психология ва педагогик менежмент кафедрасига:
Профессор — 2 (педагогика-1, психология-1)
Доцент — 2 (менежмент-1, педагогика-1)
3. Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедрасига:
Профессор — 1 (бошланғич-1)
Доцент — 1
4. Тил ва адабиёт кафедрасига:
Доцент — 2 (рус тили-1, ўзбек мактабларида рус тили-1)
Катта ўқитувчи (фан номзоди)-1

5. Табиий ва амалий фанлар кафедрасига:
Доцент — 1
Катта ўқитувчи (фан номзоди) — 1
6. Математика, информатика ва физика кафедрасига:
профессор — 1

Ҳужжатлар Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Миробод кўчаси 14-уйда қабул қилинади. Мўлжал: 72-мактаб биноси, 3-қаватдаги 313-хонада эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар:
Ректор номига ариза;
Диплом;
Паспорт ва меҳнат дафтарчаси;
Тавсифнома.

Мурожаат учун телефонлар:

215-50-94 (қабулхона), 215-50-92 (кадрлар бўлими)

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1993 йилда Зарипова Шахло Алимжанова номига миллий мактабларда рус тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича берилган № 096458 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш» Бош бошқармаси Фарминспекция етакчи мутахассиси Ш.Ж.Назаровага берилган № 14 махсус гувоҳнома ва № 014 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамоаси «Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим» кафедраси мудири Лобар Миржалоловага акаси ва мазкур кафедра катта ўқитувчиси Маъмура Йўлдошевага турмуш ўртоғи

Илхом ЙЎЛДОШЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ маъмурияти ва касоба уюшма кўмитаси жамоаси Ҳуқуқшунослик факультети «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор Шўхрат Жалиловга волидаи муҳтарамаси

ИБОДАТ аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси жамоаси Қизилтепа туман ўқувчилар ижодиёт маркази раҳбари Шокир Ҳабیبовга қизи

ЛОБАРнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Республика «Меҳр ва мурувват» фонди жамоаси Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими фахрийси, Фонднинг Наманган вилояти филиали директори
Эргаш ота ЖАЛОЛОВнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига таъзия билдиради.

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти раҳбарияти ва жамоаси институтнинг собиқ бўлим мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Рустам Йўлдошевга ўғли

ИЛҲОМЖОНнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

ЎЗБЕК НИМА ДЕЙДИ?

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Узатилган қизни тушган жойи, эри, қайнота-қайнонаси, ўз оиласига муҳаббат руҳида тарбиялашга даъват ишорасида:
— Чикқан қиз чигириқдан ташқари...

Ҳар ишни ўз устаси, ўз эгаси бажариши лозимлиги, билар-билмас ҳар мақомга йўрғалашга қарши:
— Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин...

Ҳар ишда мустақил бўлиш, ўзгага қарам бўлмаслик, ўз бизнесини ўзи бошқариши лозимлиги хусусида:
— Шериклик ошни ит ичмас...

Яхшининг шарофатидан кўплар манфаат кўриши, баъзан бунга арзимайдиган паразитлар ҳам фойдаланиб қолиши хусусида:
— Шолининг орқасидан курмак ҳам сув ичибди...

Сафар, дунё кўриш, одам таниш, саёҳатнинг фойдаси, зарурати хусусида:
— Юрган — дарё, ўтирган — бўйра...

Хушёрлик, саранжом-саришталик, тўғрилиқ, ўзгалардан шубҳагумон қилмаслик борасида:
— Ўзингга эҳтиёт бўл, кўшнингни ўғри тутма...

Йўқни йўндириб бўлмас, дегандек, аслида бўлмаган нарсани бор қилишнинг имкони йўқлиги ҳақида:
— Қозонда бори чўмичга чиқади...

Инсон тарбиясида оиланинг, отананинг ўрни хусусида:
— Қуш уясида кўрганини қилади...

Иккинчи бора кўришиб турган одамига:
— Бир кўрган — таниш, икки кўрган — билиш...

Муҳаббат бўлагу, вақтинчалик ўлдим-қуйдим бошқалиги хусусида:
— Ишқ бошқа, ҳавас бошқа... (бу йўлда хато қилма)...

Бир мақсадда хизмат, сафар, ишга отланган жамоага:
— Кемага тушганнинг жони бир...

Ҳар ишда катта меҳнат, жафо чекиш, машаққат қутилган натижага олиб бориши хусусида:
— Жон куйдирмасанг, жонона қайда...

Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда:
— Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда...

Чайналмай, бор гапни рўй-рост айтиш лозимлиги борасида:
— Шап-шап демасдан, шафтоли деган маъкул...

Ҳасадгўй, бахил, хасис кимса меҳнатларининг самарасизлиги хусусида:
— Бахилнинг боғи кўкармас...

Танаффус билан, дам олиб меҳнат қилиш хусусида:
— Қуш кўнмасдан учолмас...

Умрнинг ўткинчилиги, қисқалиги, ҳаётнинг ғаниматлиги хусусида:
— Умр — оқар дарё...

Беш кунлик дунё:
— Ўткинчи дунё...

Ўлчаб берган ризқи бор, санаб берган умри бор:
— Ўлчаб берган ризқи бор, санаб берган умри бор...

Ajdodlar odobi

Сохта, омонат, қалбаки одам, нарса-буом тўғрисида:
— Усти ялтирок, ичи қалтирок...

Таклиф этилган жойга бориш, аксига суллоҳлик қилмаслик жўнида:
— Айтилган жойдан қолма, айтилмаган жойга борма...

Айтилмаган (чақирилмаган) кўноқ — йўнилмаган таёқ:
— Айтмади деб айтма, айтилган сўнг қайтма...

Эски гина-қудуратни эсламаслик, ётган илоннинг бошини кўзгамаслик ҳақида:
— Ўтган ишга салават...

Ўз куч-қувватини тўғри сарфлаш, ҳол-аҳволига қараб тadbир қўллаш хусусида:
— Ҳолини билган — ҳоримас...

Инсоний оқибат, яхшилиқни унутмаслик йўлида:
— Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер...

Маҳмуд САТТОР
(Давоми бор.)

Таниқли педагог, филология фанлари номзоди, профессор Шавкат Маҳматмуродов қутлуг ёшини эл-юртга хизмат қилиш, ёш авлод тарбияси йўлидаги фидокорона меҳнати, саховатпешалиқ орқали насиб бўладиган катта муваффақиятлар билан қутиб олмоқда. Олим туркий филология ва Шарқ педагогикасининг билимдони, юзлаб шогирдлар устози, ўзбек ва рус



Ta'lim fidoyilari

маларимизнинг бу соҳаларга кўшган ҳиссалари, қадимий касб-хунарлар ҳақидаги маълумотлар акс этиши миллий ифтихор ҳиссини тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган. Бу борада Самарқанд давлат университети олим ва мутахассислари тўплаган тажриба-

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

баркамол шахсни тарбияловчи восита

Илдизлари қадим замонларга бориб тақалувчи нодир халқ оғзаки ижоди намуналари ўзида меҳнаткаш элнинг юксак орзу-мақсадлари, дунёқарашини мужассамлаштиради. Ўзбек халқининг турли жанрлардаги дурдона асарлари кўп. Айниқса, дoston ва эртақлар, мақол ва бошқа жанрдаги халқ оғзаки ижоди намуналарида ёшларга маънавий озуқа бўладиган ибратли ҳикматлар бисёр.

Маънавий тараққиёт мезони бўлиб, инсон шaxсиятини камолга етказди. Уни тарбиялайдиган омиллардан бири халқ оғзаки ижоди асарларидир. Халқ бадиий тафаккури сарчашмасининг энг бебаҳо инжулари, зер-забарлари ҳисобланган оғзаки ижод намуналари орқали ёшлар онгида инсоний фазилатлар, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқат, ҳалоллик, соф виждонлик, ҳақгўйлик, самимийлик, камтарлик, мардлик каби гўзал хислатлар тарбияланади.

Университетлар, коллежлар, академик лицей ва мактабларда, ҳаттоки боғчаларда халқ оғзаки ижодини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Зеро, оғзаки ижод асарлари ёш авлодни қомил қилиб вояга етказишда тарбиявий аҳамияти катта бўлган муҳим воситадир. Равон, аниқ, ширали, жонли тилда яратилган фольклор асарлари боланинг билим доирасини кенгайтиради, унинг эстетик дидини ошириб, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, дўстлик, мардлик, софлик, камтарлик ота-онага ҳурмат, ростгўйлик, кишиларга, айниқса, кичикларга ва қарияларга нисбатан меҳрли бўлиш каби энг яхши инсоний фазилатларни таркиб топтиради, инсонни маънавий жиҳатдан гўзаллаш-

тиради, уни эзгуликка, фақат яхшилиқ қилишга, халқ манфаати учун меҳнат қилишга ундайди.

Халқ — тарих ва маданиятни, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи буюк куч. Ҳар бир халқ асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплайди, шу тажрибани турли воситалар билан келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради. Ўзбек халқи ҳам тафаккурнинг тимсоли бўлган ўз сўз мўъжизаларини асрлар оша кўз қорачигидай асраб-авайлаб, сайқал бериб, турли

замон талотўпларидан эсон омон олиб ўтгани ва бугунги кунгача етказган

муҳим аҳамият касб этади. Ижодкор халқ ўзининг энг ноёб асарларини сўз санъати билан бунёд этган. Бадиий сўз халқнинг барча адабий бойликларини абадийлаштирган. Халқ оғзаки ижоди намуналари ёзма адабиёт вужудга келишидан кўп замонлар илгари пайдо бўлиб, ёзма адабиётнинг яралишига замин ҳозирлади. Кўпгина буюк сўз санъаткорларининг халқ оғзаки ижодини ўрганишга, унинг тарбиявий жиҳатларини очишга даъват этиши, бежиз эмас. Ёш авлод ўз боболари қолдирган меросни ардоқлаб, келгуси авлодга тақдим этган. Халқ ўзи яратган асарларга доимо сайқал бериб борган ва уни мукамаллаштирган.

Ўқувчилар ва талабалар халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш билан халқимиз томонидан асрлар давомида яратилган ва яратилаётган маънавий бойликларини кадрлашга, уларни тўплашга, кўз қорачигидай асрашга ва синчиклаб ўрганишга одатлансалар, бу — бизнинг ютуғимиз.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ, шарҳловчи

УМР ШАВКАТИ — ЯХШИЛИККА ЁРЛИҚ

тилларида ёзилган илмий мақолалар, монографиялар, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар муаллифидир.

Шавкатжон 70-йиллар охири 80-йиллар бошларида Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтида академик Эргаш Фозиллов раҳбарлигида Қ.Муҳиддинов, Ҳ.Болтаев, И.Носиров, З.Ҳамидов каби таниқли олимлар илмий муҳитига кириб келди. У ЎзФА ТАИ лугат секторидан илм юкини кўтариш машаққатларини бошидан кечирди. Ўша пайтларда тузилаётган «Алишер Навоий асарлари изоҳли лугати» тўрт томлиги учун манба йиғар экан, ҳазрат Навоий назмиёти маъноларини англаш учун сидку ихлос билан изланди.

Шавкат Маҳматмуродов педагог ва олим, раҳбар ва ташкилотчи. У кўп йиллар Самарқанд давлат университети педагогика факультети декани, университет ўқув ишлари проректори, университет бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси вазифаларида сидқидилдан фаолият кўрсатди. Чунончи, унинг олимлик фаолиятини алоҳида таъкид-

лашни истардим. “Қадимги туркий ёзма ёдгорликларининг тил хусусиятлари таҳлили ҳақида” монографияси ўзбек тили тарихи ҳақида яратилган тадқиқотлар сирасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Бу илмий иш Қорахонийлар даври адабий тилининг ўзига хос хусусиятлари Рабғузийнинг “Қиссаси ар-Рабғузий”, Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”, Маҳмуд бин Алининг “Қаҳжул-Фародис” каби асарларининг лисоний таҳлили орқали очиб берилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

“Бошланғич таълимнинг долзарб муаммолари” қўлланмаси эса олимнинг кўп йиллик педагогик фаолияти давомида тўплаган тажрибаси ва кузатишлари ҳосиласидир. Қўлланмада педагог-олим болаларда, энг аввало, миллий маданият ҳиссини тарбиялаш масаласини, миллий қадриятлар, анъаналарни она тили, унинг ранг-баранглиги ва гўзаллиги воситасида сингдириш услубини олға сурган. Шунингдек, нафақат адабиёт дарсликларидан, балки табиий фанлар, меҳнат, мусиқа дарсликларидан ҳам улуг алло-

лар, эришган муваффақиятлардан мисоллар келтириб, амалий натижалари таҳлил этилган.

Ушбу қўлланма ёш педагог кадрлар учун дарс ўтиш, ўқувчи билан мулоқот, болалар қобилиятини объектив баҳолаш, уларга тизимли-режалли иш бериш борасидаги қимматли маслаҳат ва тавсияларга бойлиги билан тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Шавкатжоннинг ҳозиржавоб қизиқарли ҳикоялари, пародиялари, шеър ва латифалари давраларга завқ бағишлайди. Бу, албатта, ундаги юксак салоҳият белгиси. Шавкат Маҳматмуродов бугунги кунда ҳам тинимсиз ижодий меҳнат, ташкилотчилик ва мураббийлик фаолияти, элу юрт ташвиши, инсонларга, оила ва фарзандларига хизмат қилиш билан банд. У ҳали яна кўп самарали меҳнат қилиб, ҳаёт дафтари саҳифаларини эзгу битиклар билан бойитиши, шубҳасиз.

Муслихиддин МУҲИДДИНОВ, филология фанлари доктори, профессор

МУСОБАҚАЛАР РУҲИЯТНИ ТОБЛАЙДИ

Шарқ якка курашлари орасида каратэнинг кишини жисмоний ва руҳий жиҳатдан тарбиялашда ўзига хос аҳамияти бор. Буни шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Шинкиокушинкай каратэ Маркази "Nug-HAS"нинг мамлакат миқёсидаги анъанавий Кубок мусобақаларида иштирок этган ёшлар маҳоратида ҳам кўриш мумкин.

Жами 7 вазн тоифасида кечган баҳсларда диёримизнинг Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Навоий вилоятларидан, шунингдек, Тошкент ва Навоий шаҳридан сараланган 81 нафар (9 нафари қиз) каратэчи ўз маҳоратини намойиш этишга ҳаракат қилди.

Навоий шаҳридаги "Сўғдиёна" спорт мажмуаси мезбонлик қилган мазкур мусобақада 40 килограммгача бўлган вазн тоифасида Тошкент

вилояти вакили Жасурбек Кўчқоров, 45 кг.гача вазн тоифасида Навоий шаҳри шарафини ҳимоя қилган Узрух Назаров, 50 кг.гача вазн тоифасида Равшан Раҳматов (Тошкент вилояти), 55 кг.гача вазн тоифасида Умид Сайфуллаев (Навоий вилояти), 55 кг.дан юқори вазн тоифасида эса Руслан Жумабоев (Навоий шаҳри) голиблик шохсупасига кўтарилди.

Кизлар ўртасида ўтган кизиқарли баҳсларда

Kubok o'yinlari

ҳам мурасасизлик сезилиб турди. 50 кг.гача вазн тоифасида Навоий вилоятилик Мафтуна Сувонованинг қўли баланд келган бўлса, 55 кг.дан юқори вазн тоифасида хоразмлик Машхура Ёқубова голиб чиқди.

Шундай қилиб, умумжамоа ҳисобида навоийликлар 1-ўринни банд этишди, 2 ва 3-ўринлар тошкентлик ҳамда хоразмлик ёш спортчиларга насиб этди. Фолиб ва совриндорларга марказнинг махсус кубоги, диплом ҳамда эсдалик совгалари тақдим этилди.

Яна бир эътиборли томони шундаки, Кубок ўйинлари якунлангач, 4-ДАН қора белбоғ соҳи-

би Абдурашид Ҳайитов иштирокида мастер-класс ташкил қилинди. Унда юздан ортиқ спортга ихлосманд ўғил-қизлар маҳоратини оширди.

— Мусобақаларда ёш спортчилар маълум бир мавқе, нуфузга эриштирибгина қолмай, балки тажрибасининг ошиши ва руҳиятининг товланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатишига яна бир қарра амин бўлишди, — деди мусобақа ташкилотчиларидан бири Жаҳон каратэ ташкилоти (WKO)нинг Ўзбекистондаги вакили бранч-чиФ 3-ДАН қора белбоғ соҳиби Х.Назаров.

Зоҳиджон ХОЛОВ

«ЎҒЛИМИЗ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ»

Халкидики шаҳрида дунёнинг турли мамлакатларидан келган 8 ёшгача бўлган 120 нафардан зиёд ёш шахматчилар биринчилиги ўтказилди. Унда муносиб дона сурган Нодирбек 11та ўйин ўтказиб, 8 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Натижада у саккиз ёшли шахматчи болалар орасида кучли ўнликдан (6-ўрин) ўрин олди.



Шу боисда айни кезларда Ҳазорасп туманидаги 5-мактаб ўқувчиси Нодирбек Ёқуббоевни ҳали 3-синф бўлишига қарамай, жуда кўпчилик яхши танийди.

Нодирбек тўрт ёшидаёқ шахматга қизиқди. Дона сураётган отасининг ҳаракатларини зимдан кузатиб ўтирарди. Мурғак боланинг бу ҳолати ота-онани бефарқ қолдирмади.

— Бир кун келиб ўғлимиз чем-

пион бўлади! — деди отаси ҳавас билан.

Шундан сўнг хонадон соҳиби ўғлига шахматнинг дастлабки сирларини ўргата бошлади. Илк машғулотаёқ Нодирбекнинг ҳаракатлари ота қалбида умид алангаларини ёқди. Боланинг гоҳида ўз ёшига мос бўлмаган тарзда қарорлар қабул қилиши ва шахматдек мураккаб спорт турини ўрганишга бўлган кучли иштиёқ чўғи завқ тўла кўзларида мил-

тиллаб ёниб турарди гўё.

Мақтабга борганида ҳам, вилоят марказида тенгқурларига қарши дона сурганида ҳам шахмат унинг хаёлини бошқа спорт турларига қараганда кўпроқ банд этгани маълум бўлди.

У ўзи учун янгилик бўлган ҳар бир ҳодисани бамисоли шахмат доскасидаги оқу қора катакчаларга солиб, идрок этолганича ўлчаб кўрарди. Н.Ёқуббоевга бу борада мураббийи Руслан Ниёзматов керакли маслаҳату сабоқларни бериб келяпти. Ақл машқи Нодирбекнинг бутун онгу-шуурини банд этган. У ота-онаси орзу қилгандек, кун келиб шахмат бўйича мамлакат, қитъа, ҳатто жаҳон чемпиони бўлса ва юртимиз шарафини ишончли ҳимоя қилса, ажабмас.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

НУРЛИ МАҚСАДЛАР САРИ

...У эришган ютуқлардан бугун бутун оиласи, устозлари, дўст-биродарлари фахрланишади. Акмалхон Ҳасанов 2006 йили Республика очик турнирида 58 кг. вазн тоифасида барча рақибларини ортда қолдириб, олий ўринни эгаллади. 2007 йили эса халқаро мусобақада ҳам қатнашиб, устозлари юзини ёруғ қилди. Бу мусобақада қаҳрамонимиз 2-ўринни эгаллаб қайтди.

— Спортнинг таэквандо ВТФ тури билан 7 ёшимдан буён шуғулланаман. Болалигимда барча ўғил болалар сингари жуда шўх бўлганман, дўстларим билан доим чаққонлик ва эпчиллик талаб этиладиган ўйинларни ўйнаб катта бўлдим, — дея сўз бошлади Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти 3-босқич талабаси Акмалхон Ҳасанов. — Яқин дўстим спорт тўғрарига қатнарди. Унга жуда ҳавасим келарди. Бир кун кутилмаганда менга тўғаракка бирга қатнашимни таклиф қилди. Бу ҳақда ота-онамга айтганимда, улар мени кўллаб-қувватлашди. Очиги, аввалига қийинчиликлар бўлди. Ана шундай вазиятларда устозим Сардорбек Латипов сабр-тоқат, тинимсиз изланишлар орқали муваффақиятларга эришиш мумкинлиги ҳақида сўзлаб берди.

Мақола қаҳрамони ҳозирда корейлик мураббий Беак Муг Жонг қўли остида тарбияланмоқда. Устозларига ўхшашни, улар сингари етук профессионал мураббий бўлиш, шогирдлар тайёрлашни орзу қилади. Ёш спортчи қитъа ва жаҳон чемпионатларида қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни ўзининг олий мақсадларидан бири деб билади. А. Ҳасановга нурли мақсадлар сари дадил интилишида омад доимо ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

Шаҳрибону ИМОМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Таэквандо бўйича I ДАН қора белбоғ соҳиби Муроджон Хидиров яқинда Чирчиқ шаҳрида ўтказилган Таэквандо республика очик чемпионатида 12та вилоят ҳамда иккита шаҳар вакиллари орасида 3-ўринни олиб, бронза медалига муносиб топилди.

Асли Учқўрғон туманининг Катта Чек қишлоғида туғилиб, зиёли оилада вояга етган Муроджоннинг ўқувчилик йиллари тумандаги 10-мактабда ўтган. Оиладаги уч фарзанднинг тўнғичи бўлмиш Муроджон болалигиданоқ билим олишни, спорт билан шуғулланишни қанда қилмади. 2003 йилда Наманган давлат университетининг «География-иқтисод» факультети-га ўқишга кирди.

ИНТИЛАНГА ТОЛЕ ЁР

— Олий ўқув юртидаги жисмоний тарбия дарсига қатнашиб юрган кезларимда, бир курсдошимдан Наманганда Таэквандо тўғрарига борлигини эшитдим, — дейди Муроджон Хидиров. — Сўнг бу ҳақда спорт мураббийимиз Нодир Қамбаровдан маълумот олдим. У шу тўғаракда ишлашини ва мени ҳам унга аъзо бўлишим мумкинлигини айтди. Бундай таклифдан қувондим. 15 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган ушбу гуруҳимизда бизга Таэквандо сирларини II ДАН қора белбоғ соҳиби Сирожиддин Қурбанов ва Айкидо бўйича I ДАН қора белбоғ соҳиби Нодир Қамбаров ўргатишди.

Ҳаётда ўзига ишонган одам борки, олға қадам ташлашга ва кўнларга ўрнак бўлиб яшашга интилади. Қаҳрамонимиз Муроджон Хидиров ҳам ана шундай спортчилардан. Наманган шаҳар ХТБга қарашли 2-умумтаълим мактабида жисмоний тарбия фанидан ёш авлодга сабоқ бериб келаётган Муроджон ҳозир Осие очик чемпионатида ҳозирлик кўрмоқда. Биз эса унга бўлажак мусобақаларда омад тилаймиз.

Камола НОСИРОВА



ЭСКИ ФИНАЛ — ЯНГИ НИМЧОРАК ФИНАЛ

Швейцариянинг Ньон шаҳрида футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси 1/16 финал учрашувларига йўл олган 16 клуб орасида куръа ташлаш маросими ўтказилди.


Лондондаги "Уэмбли" стадионида финал ўйини ўтказиладиган мазкур нуфузли қитъа биринчилигининг нимчорак финалида бир-бирига қарама-қарши тўп сурадиган клублар куйидагича кўриниш олган: "Рома" — "Шахтёр", "Милан" — "Тоттенхэм", "Валенсия" — "Шальке 04", "Интер" — "Бавария", "Лион" — "Реал", "Арсенал" — "Барселона", "Марсел" — "Манчестер Юнайтед" ҳамда "Копенгаген" — "Челси".



Нимчорак финалнинг дастлабки учрашувлари 2011 йилнинг февралда ўтказилса, жавоб матчи март ойида бўлиб ўтади.

КЛУБЛАР ЎРТАСИДА ЖЧ-2010

Волейбол бўйича Клублар ўртасида анъанавий ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг жорий йилгиси Катар пойтахти Доҳа шаҳрида бўлиб ўтмоқда. Италиянинг донгдор жамоаси «Трентино» (амалдаги чемпион) Россиянинг «Динамо» клубига қарши майдонга чиқди.



Уч тайм давом этган мусобақа якунига кўра, 3:0 ҳисобида италияликларнинг қўли баланд келди.

Клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати Катарда иккинчи марта ўтказилди. Унинг умумий соврин жамғармаси 750 минг долларни

ташкил этади. Шундан 1-ўринни эгаллаган жамоага 250 минг доллар пул мукофоти ва жаҳон чемпиони учун аталган кубок топширилди.


ИККИ МУРОСАСИЗ ЖАНГ

Собиқ жаҳон чемпиони германиялик 39 ёшли боксчи — Луан Красничи 2011 йилнинг 26 февралда Людвигсбург (Германия) шаҳрида NABF таснифидаги супероғир вазн тоифасида чемпионлик камарига эгалик қилиб турган Жонатан Бэнксга қарши рингга чиқди.

UFC таснифида ўрта оғир вазн тоифасида чемпионлик камарига эга бўлиб турган бразилиялик Маурисио Руа келгуси йилнинг 19 март куни Ньюарк (Нью-Жерси, АҚШ) шаҳрида америкалик Рашад Эвансга қарши навбатдаги ҳимоя жангини ўтказди.

Руа учун бу қарийб бир йиллик танафусдан кейинги илк жанг бўлади. У жорий йилнинг май ойида Лиото Мачидуга қарши рингга чиқиб, уни нокаутга учратган, бироқ ўзи ҳам тиззасидан жароҳат олиб, узок вақт даволанишга мажбур бўлганди.

Ш.НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.



Хурматли Абдумутал АРАБОВ!

Сизнинг таваллуд топган кунингиз, яъни 42 ёшингиз билан муборакбод этамиз! Сизнинг келгусидаги касб-хунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз. Сизга соғ-саломатлик, оилавий хотиржамлик, фарзандларингиз ва шогирдларингиз камолини кўриб юриш насиб этишини тилаймиз.

Жарқўрғон спорт коллежи жамоаси

МОҲИР ФУТБОЛЧИЛАР МАКТАБИ



Bolalar sporti




Юртимизда ёш футболчиларни тайёрлаш асосан болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлар, футбол академиялари ва олимпия захиралари коллежларида амалга оширилмоқда. Ана шундай футбол муассасаларидан бири Тошкент шаҳридаги футболга ихтисослашган давлат мактаб-интернатидир.

1999 йилда ташкил этилган мазкур мактаб-интернатда айни пайтда ўн ёшдан ўн беш ёшгача бўлган 260 нафар ўқувчи-спортчи таҳсил олмақда. Бу ерга болалар бешинчи синфдан қабул қилинади. Дастлаб боланинг жисмоний тайёргарлиги, футболчи сифатида иқтидори, салоҳиятини синаш учун ташкил этиладиган жисмоний тарбия, футбол назарияси ва амалиёти синовлари ўтказилади. Сўнг она тили ва адабиёт, математика фанлари бўйича тест имтихонларида аъло баҳо олганлар ўқишга қабул қилинади.

Мактаб-интернатда ўн тўрт нафар олий маълумотли футбол мураббийлари сабоқ бермоқда. 32 нафар ўқитувчи янги педагогик усул ва услублардан фойдаланган ҳолда умумий таълим фанлари бўйича болаларга таълим бермоқда. Ўқувчиларнинг машғулотлар ва синов-назорат ўйинларида маҳорат ва тажрибасини ошириб бориши учун стадион, футболга мўлжалланган машғулотлар майдони, мини-футбол майдони, иккита спорт зали, иккита тренажёр хонаси, тиббиёт хонаси мавжуд. Мактаб-интернатнинг 150 ўринли ётоқхонаси ўқувчилар хизматида. Ошхонада спортчиларнинг соғлом овқатланиши учун етарли шароит яратилган.

Мактаб ўқувчиларининг жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириб бориш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, мамлакатимизнинг етакчи спортчилари билан учрашувлар, "Она тилим — жону дилим", "Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз", "Сиз қонунни биласизми?" каби мавзуларда анжуманлар мунтазам ўтказилмоқда.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.



Ma'rifat

**ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:**
Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва fan xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari:
Bahodir JOVLIYEV.

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),
Mahmuda MURZAYEVA, Husan
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),
Abdusamat RAHIMOV (bosh muharrir),
Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan
USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari),
"Учитель Узбекистана", Aleksey
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Уз-
бекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-1122.
Tiraji 26533.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Zohidjon XOLOV.

Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.

®

belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
ЎзА йуқуни — 23.00